


иҗтимоий-маърифий журнал

# ОМИНО



32-сон 2020/1441



# Ошма

электрон журнали

**Бадий раҳбар:**

Одинахон МУҲАММАД СОДИҚ

**Масъул муҳаррир:**

Азиза Жалолиддинова

**Ҳайъат аъзолари:**

Мадина Джураева  
Муҳайё Муҳаммад Юсуф  
Гулшода Аллоқулова  
Адолат Хусанова  
Замира Тўйчиева  
Адиба Сулаймонова

**Муҳаррирлар:**

Барно САИДРАҲМОН  
Райҳона ШОМИРЗАЕВА

**Дизайнер:**

Рухсора АЗИЗОВА

Электрон манзил: [muslimaat@islom.uz](mailto:muslimaat@islom.uz)

# Аллоҳнинг гўзал исмлари

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Аллоҳ таолога битмас-туганмас ҳамду санолар бўлсин.

Пайғамбаримизга мукаммал ва батамом салавоту дурудлар бўлсин.

Аъроф сурасининг 180-оятда: «Аллоҳнинг гўзал исмлари бор, улар билан дуо қилинлар», дейилган.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таолонинг тўқсон тўққизта – бир кам юзта исми бор. Ким уларни санаса, жаннатга киради. Аллоҳ тоқдир ва тоқни яхши кўрур», дедилар (Имом Бухорий, Имом Муслим ривоят қилишган). Имом Термизий ва бошқа муҳаддислар ҳадиснинг давомида Аллоҳ таолонинг исмларини келтиришган:

- 1) Аллоҳ. 2) ар-Роҳмон. 3) ар-Роҳийм. 4) ал-Малик. 5) ал-Қуддус. 6) ас-Салом. 7) ал-Мўмин. 8) ал-Муҳаймин. 9) ал-Азиз. 10) ал-Жаббор. 11) ал-Мутакаббир. 12) ал-Холиқ. 13) ал-Бориъ. 14) ал-Мусаввир. 15) ал-Ғаффор. 16) ал-Қаҳҳор. 17) ал-Ваҳҳоб. 18) ар-Раззоқ. 19) ал-Фаттоҳ. 20) ал-Алийм. 21) ал-Қобиз. 22) ал-Босит. 23) ал-Ҳофиз. 24) ар-Рофеъ. 25) ал-Муъизз. 26) ал-Музилл. 27) ас-Самийъ. 28) ал-Басийр. 29) ал-Ҳакам. 30) ал-Адл. 31) ал-Латийф. 32) ал-Хабийр. 33) ал-Ҳалийм. 34) ал-Азийм. 35) ал-Ғафур. 36) аш-Шакур. 37) ал-Алий. 38) ал-Кабийр. 39) ал-Ҳафийз. 40) ал-Муқийт.

41) ал-Ҳасийб. 42) ал-Жалил. 43) ал-Қарийм. 44) ар-Рақийб. 45) ал-Мужийб. 46) ал-Восеъ. 47) ал-Ҳакийм. 48) ал-Вадуд. 49) ал-Мажийд. 50) ал-Боъис. 51) аш-Шаҳийд. 52) ал-Ҳақ. 53) ал-Вакийл. 54) ал-Қавий. 55) ал-Матийн. 56) ал-Валий. 57) ал-Ҳамийд. 58) ал-Мухсий. 59) ал-Мубдиъ. 60) ал-Муъийд. 61) ал-Мухъйи. 62) ал-Мумийт. 63) ал-Ҳайй. 64) ал-Қаййум. 65) ал-Вожд. 66) ал-Можд. 67) ал-Воҳид. 68) ас-Сомад. 69) ал-Қодир. 70) ал-Муқтадир. 71) ал-Муқаддим. 72) ал-Муаххир. 73) ал-Аввал. 74) ал-Охир. 75) аз-Зоҳир. 76) ал-Ботин. 77) ал-Волий. 78) ал-Мутаъолий. 79) ал-Барр. 80) ат-Таввоб. 81) ал-Мунтақим. 82) ал-Афувв. 83) ар-Раъуф. 84) ал-Моликул мулк. 85) Зул жалоли вал икром. 86) ал-Муқсит. 87) ал-Жомеъ. 88) ал-Ғаний. 89) ал-Муғний. 90) ал-Монеъ. 91) аз-Зорр. 92) ан-Нофеъ. 93) ан-Нур. 94) ал-Ҳодий. 95) ал-Бадийъ. 96) ал-Боқий. 97) ал-Ворис. 98) ар-Рашийд. 99) ас-Сабур.

### 1. Аллоҳ.

«Аллоҳ» лафзи «алаҳа» феълидан олинган «илоҳ» масдарига мансуб бўлиб, маъбуд – ибодат қилинган Зот маъносини англатади. «Илоҳ» сўзига алиф валом ҳарфлари киритилиб,

«ал-илоҳу» ҳосил бўлган. Сўнгра ҳамза ҳарфининг ҳаракати таъриф «лам» ҳарфига нақл қилиниб, бир жинслик икки ҳарф идғом қилинган ва «Аллоҳ» лафзи ҳосил бўлган. «Аллоҳ» лафзи яккаю ягона ҳақ маъбудга исм бўлиб қолган. Бу исм У Зотдан бошқага ишлатилмаган.

Маълумки, асмой хуснанинг барчаси Аллоҳнинг сифатларига далолат қилади, аммо биргина «Аллоҳ» лафзи Унинг Зотига далолат қилади ва шу тариқа У Зотнинг барча исмларини ифода қилаверади. Масалан, «Ё Аллоҳ» десангиз, «Ё Роҳийм, ё Роҳман, ё Ғаний, ё Қовий, ё Қодир, ё Латийф» деган маъноларга далолат қилаверади. «Аллоҳ» сўзи Буюк Зот учун исм бўлиб, Аллоҳнинг барча исмлари ана шу Аллоҳ калимасида жамлангандир.

«Лаа илааҳа иллаллоҳ» калимаси тавҳид, Ислом, иймон ва эҳсон маъноларининг барчасини ўзида жамлаган калимадир. Бу калима Исломнинг шиоридир. Зеро, диннинг пойдевори мана шу калималар устига бино қилингандир. Барча пайғамбар алайҳиссаломларнинг рисолати ҳам, асмой хуснанинг ҳаммаси ҳам мана шу калимада жамланган.

Бу калимада маърифат ва тавҳидга ишора бордир. Маълумки, илмнинг

ниҳояси тавҳид, амалнинг ниҳояси эса тақводир. Аллоҳни якка деб билиб, У Зотга тақво қилсанг, барча ишнинг тизгинини ушлаган бўласан.

Зикрларнинг энг афзали ҳам «Лаа илааҳа иллаллоҳ» калимасидир.

### Ар-Роҳмон

Улуғ неъматларни берувчи. Бу сифат фақат Аллоҳга хос бўлиб, барчага – мўминга ҳам, кофирга ҳам меҳрибон ва неъмат берувчи маъносини англатади.

Ар-Роҳмон сифатини Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч кимга нисбатан ишлатиб бўлмайди. «Ар-Роҳмон» исми Қуръони каримда 45 ўринда зикр қилинган бўлиб, олти ўринда «Ар-Роҳийм» исми билан ёнма ён келган. Баъзи уламолар ушбу исмни «исми аъзам» деб ҳисоблашган. Аллоҳнинг исми аъзами ҳар бир мўминга тааллуқлидир. Масалан, камбағал мўминга нисбатан исми аъзамнинг маъноси «беҳожат қилувчи», бемор мўминга нисбатан «шифо берувчи», кучсиз мўминга нисбатан «куч-қувватли»-дир.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «Аллоҳга дуо қилинлар, Роҳманга дуо қилинлар – қайсисига дуо қилсангиз ҳам, барибир. Унинг гўзал исмлари бор-

дир» (Исро сураси, 110-оят). Коинотда биз кўриб, эшитиб, сезиб, билиб турган ҳар бир раҳмат «ар-Роҳмон» исмининг бир бўлагидир.

Аллоҳнинг «ар-Роҳмон» ва «ар Роҳийм» сифатлари орасидаги қуйидагича фарқ бор: Раҳмат икки хил бўлади: умумий раҳмат ва мукаммал (хос) раҳмат.

Умумий раҳматга ҳақдор ҳам, ҳақдор эмаслар ҳам эришаверади. Масалан, ёмғир ёғса, ундан барча одамлар, яъни мўмин ҳам, кофир ҳам, мунофиқ ҳам, фосиқ ҳам бирдек фойдаланаверади. Аллоҳнинг «ар-Роҳмон» исми умумий раҳматни англатади.

Аммо хос раҳматдан фақат ҳақдор кишилар баҳраманд бўлади. Ушбу хос раҳматда хоҳиш билан амалиёт жамланган бўлади. Аллоҳнинг «ар-Роҳийм» исми хос раҳматга киради. Масалан, бир кишининг бешта фарзанди бор. У ҳамма фарзандларини бир хил овқат, бир хил кийим ва бир хил ётоқ билан таъминлаган. Мана шу умумий раҳм қилишга киради. Фараз қилайлик, фарзандлардан бири отага алоҳида ихлос ва вафо билан хизмат қилади. Ота

ҳам гоҳида шу фарзандига алоҳида эътибор қаратади. Мана шу хос раҳмдир.

Ҳар бир инсон, у мўминми, мўмин эмасми, бу дунёда еб-ичади, аҳл ва фарзанд неъматига мушарраф бўлади. Бу умумий раҳм сирасига киради. Аммо Аллоҳ таоло сенга тажал-лий қи-



либ, қалбинга нурга тўлдирса, Ўзига яқинлаштиради, бу хос раҳмат сирасига киради. Бундай хос раҳматга фақат ҳақли бўлган бахтиёр бандалар мушарраф бўлади. Умумий раҳматга эса, юқорида айтилганидек, барча одамлар сазовор бўлаверади. Шунинг учун ҳаётдан ҳузурланиб, энг лаззатли таомларни еб, ҳашаматли уйда яшаб, энг гўзал аёлга уйланиб, катта маошга эга бўлиб, кўпчи-

ликдан фаровонроқ яшаган одамни раҳматга лойиқ бўлди, дейилмайди. Чунки Аллоҳ бу дунёни яхши кўрганига ҳам, яхши кўрмаганига ҳам бераверади. Бу умумий раҳмат бўлиб, унга ҳамма ҳам эришаверади. Хос раҳмат эса, юқорида айтганимиздек, Аллоҳнинг инсон қалбини мунаввар айлашидир. Бу шундай нурки, уни бу дунёнинг бирор соатига, бирор лаҳзасига алмаштириб бўлмайди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «Менинг Роббим билан бирга бўладиган шундай бир соатим борки, у пайтда на бирорта пайғамбарнинг, на бирор муқарраб фариштанинг менга яқинлиги қолмайди. Мен Роббимнинг ҳузурини тунайман, У Зот мени едириб-ичириб туради».

Биродар, қилаётган амалларингга бир назар сол. Уларнинг асоси одамларга раҳм қилишми ёки зарар етказишми? Унинг асоси омонлик улашишми ёки омонликни суғуриб олишми? Умуман, унинг асоси беришми ёки олишми?

Билгинки, хос раҳматга сазовор бўлиш учун тоат-ибодат, жидду жаҳд, мол-дунёни инфоқ қилиш,

заифларга кўмаклашиш, етимларга раҳм қилиш, беваларга ёрдам бериш, қўшнилар ҳолидан хабар олиш, илм мажлисларида иштирок қилиш, кўзни номаҳрамлардан сақлаш, зикр ва тиловатга машғул бўлиш керак. Шундагина сен Аллоҳнинг раҳматиغا эришасан, Унга муқарраб бўласан.

Аллоҳ таоло Роҳиймдир, Роҳмандир. У Зотнинг ар-Роҳийм сифати шундайки, сенга соғлиқ, мол-дунё, маскан ва нафс роҳатини ато қилади. Аммо ар-Роҳман сифати билан охира-тингга қарайди. Қўлингдан ушлаб, солиҳ амалларга йўллайди, бахтли бўлишинг учун абадий ҳаётингга тажаллий қилади.

Бир киши менга бир нарсани гапириб бериб, қасам ичди. Айтишича, унинг уйи ва сал нарида бир боғи бўлган экан. У хизматкорлар ёрдамида боғни жуда чиройли ҳолатга келтирган, алвон хил мевалар етиштирган. Ҳашаматли уйида ишчилар, ошпазларни ҳам ишлатган. Учта машинаси, хусусий заводи, кийим фабрикаси ва тижорат дўконлари бўлган.

Бир куни мен ана шу бадавлат кишининг шаҳар кўчаларида хор бўлиб юрганини кўриб қолдим. У менга: «Мана шу идишда, мана шу кийим бичиш столида овқатланяпман», деб

қолди. Унинг мол-мулки қаерда қолди дейсизми? Уларнинг ундан қандай тортиб олинганига эътибор беринг. Бу воқеада Аллоҳ таолонинг ар-Роҳмон сифати намоён бўляптими ёки ар-Роҳийм сифати-ми? Албатта, ар-Роҳмон сифати зоҳир бўлмоқда, чунки бу ҳолат ўша кишининг фойдасига ҳал бўлди. У бойликка кўмилиб юрган пайтида намоз ўқимас эди, тинмай ичарди, ҳатто одамларга қандай зулм қилганини ўзи гапириб берарди. Оқибатда Аллоҳ ундан бор мол-мулкени тортиб олди.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «Албатта, Биз уларга буюк азобдан олдин яқин азобни тоттирамиз. Шоядқи қайтсалар» (Сажда сураси, 21-оят). Бунинг маъноси «Ўша фосиқларга охиратнинг буюк азобидан олдин бу дунёдаги яқин азобни тоттирамиз. Шоядқи улар бундан сабоқ олиб, куфр ва фисқу фужурдан, ёмонликлардан қайтсалар» деганидир. Одамларга раҳм қилсанг, Аллоҳнинг раҳматиға ҳақли бўласан. Бинобарин, Аллоҳнинг раҳматиға лойиқ бўлишни хоҳласанг, У яратган бандаларга, махлуқотларга раҳм қилгин. Аллоҳ раҳм қилувчиларга раҳм кўрсатади. Мукамаллик сифатларининг аксари ана шу илоҳий раҳматдан пайдо бўлади. Раҳмат сифа-

тидек қамрови кенг сифат йўқдир. Масалан, сен латифсан, чунки раҳмдилсан. Сен олижанобсан, чунки раҳмлисан. Сен инсофлисан, чунки раҳмлисан.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

«Аллоҳнинг раҳмати ила уларга мулойим бўлдинг. Агар қўпол, қалби қаттиқ бўлганинда атрофингдан тарқаб кетишар эди. Бас, уларни афв эт. Улар учун истиффор айт ва ишларда улар билан машварат қил» (Оли Имрон сураси, 159-оят).

Эй Муҳаммад! Раҳмдиллигингиз сабабли, Бизга боғланганингиз сабабли мулойим, хуш ахлоқли бўлдингиз. Мулойим бўлганингизни кўргач, атрофингизга одамлар йиғилди. Биздан узилган бўлганингизда бағритош бўлиб, дағал бўлардингиз, оқибатда одамлар атрофингиздан тарқалиб кетган бўлар эди. Ҳар бир ота, ҳар бир ўқитувчи, ҳар бир яхшиликка чақирувчи, ҳар бир раҳбар ушбу оятдаги ҳикматга ғоятда муҳтождир.

Демак, қалби Аллоҳга боғланган инсоннинг қалби раҳматга тўлади. Раҳмат эса мулойимликка олиб боради. Аллоҳ таоло барчамизга ўзининг ар-Роҳмон сифати ила тажаллий қилсин!

Анвар Аҳмад

# Расулulloҳ алайҳиссаломнинг ЭЪТИКОФЛАРИ

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон эътикоф ўтиришни ирода қилсалар, бомдод намозини ўқиб, эътикоф жойига кирар эдилар. У зот қапа қуришга амр қилдилар. Бас, қурилди. Рамазон ойининг охириги ўнлигида эътикофни ирода қилган эдилар. Бас, Зайнаб ҳам ўзига қапа қуришга амр қилди. У қурилди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ундан бошқа завжалари ҳам ўзига қапа қуришга амр қилдилар. (Улар) қурилди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бомдод намозини ўқиб бўлгандан сўнг назар солдилар. Бирдан қапа-

ларни кўриб, «Яхшиликни ирода қияптиларми?» дедилар ва амр қилдилар, капалари йиғиштирилди. Рамазондаги эътикофни тўхтатдилар. Кейин шаввол ойининг биринчи ўн кунлигида эътикоф ўтирдилар».

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам эътикоф ўтирмоқчи бўлганларида масжидлари ичига кичик қапа қурдилар эдилар.

Бошқа ривоятларда айтилишича, бир йили Оиша онамиз ҳам у зот эътикоф ўтирганларида эътикоф ўтирмоқчи бўлибдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан



изн сўраган эканлар, изн берибдилар. Сўнг Ҳафса онамиз ҳам Оиша онамиз орқали изн сўраган эканлар, у кишига ҳам изн берибдилар. Ҳафса онамиз ҳам ўзларига қапа қурдирибдилар. Зайнаб бинт Жаҳш онамиз ҳам ўзларига эътикоф ўтириш учун қапа қурдириб олибдилар.

Эътикоф ўтириш бошланадиган кун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бомдод намозини ўқиб бўлиб, эътикоф ўтиришни бошлаш мақсадида капалари томон юзлансалар, унинг яқинида бир неча капалар турибди. Шунда:

«Яхшиликни ирода қиляптиларми?» дебдилар-да, ўз капаларини йиғиштириб қўйишни буюрибдилар. Эътикоф ўтирмабдилар. Чунки масжид ичида қапа кўпайиб кетса, намозхонларга халал бериши турган гап. Бунинг устига, эътикоф ўтиришдан асосий мақсадлардан бири – аҳли аёлдан бутунлай ажраб, Аллоҳ таолога ибодат қилиш.

Мазкур ҳолатда эса Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам учун бу мақсад ҳосил бўлмайдиган кўринган.

Учинчидан, масжидга турли одамлар кириб-чиқади. Агар оналаримиз қапа қуриб ўтирсалар, унга кириб-чиқиб турсалар, ўнғайсиз ҳолга тушишлари мумкин.



#### Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Эътикоф масжидда бўлиши.
2. Эътикоф ўтирувчи ўзига қапа қуриб олса яхши бўлиши.
3. Эътикоф бомдод намозидан кейин бошланиши.
4. Баъзи фойда учун ёки ноқулайликнинг олдини олиш учун бошламоқчи бўлган ишни қолдириш мумкинлиги.
5. Узр туфайли Рамазон охирида эътикоф ўтира олмаган одам шаввол ойининг охирида ўтирса ҳам бўлиши.
6. Аёл киши эридан сўраб, эътикоф ўтириши керак.



## Улкан савобга эга бўлишни хоҳлайсизми?

Муҳтарама аёлларимиз, опа-сингилларимиз насиб қилиб, ҳаж ва умра сафарларига боришганда, Ҳарами шарифда жаноза ҳозир бўлганида умрлари давомида ҳеч насиб бўлмаган шундай бир намозни ўқиш имкониятига эга бўладилар. У ҳам бўлса, жаноза намозидир.

Жаноза намозининг фазилатлари ҳақида бир қанча саҳиҳ ҳадислар ворид бўлган.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

"Ким жанозага намоз ўқилгунча ҳозир бўлса, унга бир қийрот савоб, ким дафн қилгунча ҳозир бўлса, унга икки қийрот савоб", дедилар".

"Икки қийрот нимадир?" дейилди.

"Икки улкан тоққа ўхшаш нарса", дедилар".

Ушбу ҳадисда жанозага ҳозир бўлиш, жаноза намозини ўқиш катта савобга сабаб бўлиши ҳақида сўз бормоқда. Улкан тоғдек савоб оз нарса эмас.

Албатта бу нарса савоб умидида жанозага қатнашган кишиларга берилади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам замоналарида ҳам аёллар жаноза намози ўқиганлари саҳиҳ ҳадисларда ривоят қилинган. Одатда бизни диёрларда жаноза намозига фақат эркаклар ҳозир бўлишгани сабабли аксар аёлларимиз бу намозни ўқиш тартибини билмайдилар.

Демак, ушбу савоблардан насибадор бўлиб қолишлари учун бу намоз қандай ўқилишини ўрганиб олсалар, фойдадан холи бўлмайди.

Жаноза намози қуйидаги тартибда ўқилади:

1. Ният қилинади.

2. Фақат биринчи такбирдагина қўллар кўтарилади. (Аллоху акбар)

3. Ҳамду сано айтилади. (Субҳанакаллохумма...)

4. Иккинчи бор такбир айтилади. (Аллоху акбар)

5. Набий алайҳиссаломга салавот айтилади. (Аллохумма солли ала Муҳаммадин...)

6. Учинчи бор такбир айтилади. (Аллоху акбар)

7. Дуо айтилади. (Аллохуммағфир лиҳаййина ва маматина...)

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِحَيَّتِنَا، وَمَمَاتِنَا،  
وَشَاهِدِنَا، وَغَائِبِنَا، وَصَغِيرِنَا، وَكَبِيرِنَا،  
وَذَكَرِنَا، وَأَنْتَانَا، اللَّهُمَّ مَنْ أَحْيَيْتَهُ مِنَّا فَأَحْيِهِ  
عَلَى الْإِسْلَامِ، وَمَنْ تَوَفَّيْتَهُ مِنَّا فَتَوَفَّهُ عَلَى  
الْإِيمَانِ.

«Аллохуммағфир ли ҳаййина ва маййитина ва шааҳидина ва ғоибина ва соғирина ва кабирина, ва закарина ва унсаана. Аллохумма, ман аҳйайтаху миннаа фа'аҳйиҳи ғалал – Ислаам ва ман таваффайтаху миннаа фа таваффаху ғалал иймаан».

Маъноси:

«Аллоҳим, тирикларимизни ҳам, ўтганларимизни ҳам, борларимизни ҳам, йўқларимизни ҳам, каттаю кичигимизни ҳам, эркак аёлларимизни ҳам мағфират қилгин.


Аллоҳим, биздан кимни яшатсанг, Ислолда яшат, кимни вафот этдирсанг, иймонда вафот этдиргин».

8. Тўртинчи марта такбир айтилади. (Аллоху акбар)

9. Иккала тарафга салом берилади.

Жаноза намозида рукуъ, сажда, қироат, ташаҳхуд бўлмайди.

Муҳтарама аёлларимиз муборак сафар мобайнида Ҳарами шарифда жаноза намозларига бепарво бўлмай, Пайғамбаримиз алайҳиссалом хабарини берган улкан савобларга ҳам эга бўлишларини тилаб қоламиз.



Замира Тўйчиева  
тайёрлади

## «ҲАР НАБИЙНИНГ ҲАВОРИЙСИ БОР. МЕНИНГ ҲАВОРИЙИМ ЗУБАЙРДИР».

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Ҳандақ куни одамларни кўнгилли бўлиб, вазифа бажаришга чақирдилар. Бас, Зубайр отилиб чиқди. Сўнгра у зот яна одамларни кўнгилли бўлиб, вазифа бажаришга чақирдилар. Бас, Зубайр отилиб чиқди. Сўнгра у зот яна одамларни кўнгилли бўлиб, вазифа бажаришга чақирдилар. Бас, Зубайр отилиб чиқди. Ана шунда Набий соллalloҳу алайҳи васаллам: «Ҳар набийнинг ҳаворийси бор. Менинг ҳаворийим Зубайрدير», дедилар».

Икки Шайх ва Термизий ривоят қилганлар.

Уруш пайтида баъзи бир ўта оғир вазифаларни бажариш учун лашкар ичидан ўлимга рози бўлиб, ўша ишни бажаришга борадиган одамлар одатда шундай танлаб олинади. Албатта бундай ишларга бошқалардан кўра ўз рағбати билан отилиб чиқиб борганлар лойиқ бўладилар. Албатта, буйруқ бажариш учун борган билан, ўз рағбати ила савоб умидида борганнинг орасидаги фарқ катта бўлади.

Ҳандақ уруши мусулмонлар катта сонли душманнинг қамалида турганларида ва ичкаридан ҳам Бани Қурайза яҳудийларидан хиёнат содир бўлган ўта оғир бир шароитда кечгани учун Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васалламнинг ана шундай алоҳида махсус топшириқларни бажарадиган кишиларга ҳожатлари кўп тушган. Ана шундай пайтларда Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу ҳаммадан кўра кўпроқ жонбозлик кўрсатганлар. У кишининг бу фидокорликлари Набий соллalloҳу алайҳи васаллам томонларидан муносиб тақдирланган. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Зубайр ибн Аввом розиялло-

ҳу анҳунинг Ислому ва мусулмонлар учун, дину диёнат ва ватан ҳимояси учун кўрсатган қаҳрамонликларини ҳисобга олиб, у кишини «Ҳар набийнинг ҳаворийси бор. Менинг ҳаворийим Зубайрدير» деган олий даражали нишон билан тақдирлаганлар. Бу мукофотнинг қадрини яна ҳам ошириш учун уни ягона нусхада таъсис этиб, фақат Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу-гагина топширганлар, бошқа бирор кишига бермаганлар. Зубайр ибн Аввом розиялло-

ҳу анҳу умр бўйи бу нишонни ёлғиз ўзлари тақиб юрганлар. Ҳамма у кишини «Набийнинг ҳаворийси» деб атар эди. Ҳозир ҳам у киши шундай аталадилар.

«Ҳаворий» сўзи «ихлосли», «мусаффо», «энг яқин дўст» ва «ёрдамчи» деган маъноларни англатади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Ийсо алайҳиссаломга ихлос қилган, у зотга нисбатан кўнгиллари энг мусаффо бўлган ҳамда энг яқин дўст ва ёрдамчи бўлган фидокорларни «ҳаворий» деб атаган. Уларга ўхшаш саодатли кишилар ҳар бир набийнинг уммати ичида бўлган. Муҳаммад соллalloҳу алайҳи васалламнинг умматлари ичида ана шундай олий унвонга Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу сазовор бўлганлар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 23-жузидан олинди.



## КУТИШДАН ТЎХТАНГ

### ёҳуд вақт ҳеч кимни кутиб турмайди

**Б**из одатда турмуш қургач ёки фарзандли бўлгач ёки яна бошқа сабаблардан кейин ҳаётимиз яхшироқ бўлишини кутамиз, умид қиламиз. Оилали бўлиб фарзандли бўлгач, “Қачон катта бўлади?” деб, улар катароқ бўлгач, ҳаммаси яхши бўлишига ишона бошлаймиз. Кейин эса уларнинг ўсмирлик пайтидаги муаммоларидан хафа бўламиз. Бу босқичдан муваффақиятли ўтгач, биз албатта бахтли бўламиз деб ўйлаймиз. Агар биз турмуш ўртоғимиз билан биргаликда ҳаракат қилсак, ҳаётимиз тўкис бўлишини, яхши машинага эга бўлишимизни, нафақага чиққач дам олиб, роҳат-фароғатда яшаймиз деб ўзимизни ишонтираемиз...

Ҳақиқат шуки, бахтли бўлиш учун энг мақбул вақт-ҳозир! Ҳозир бўлмаса қачон?!

Ҳаётимизда доимо қийинчиликларга дуч келамиз. Бундай ҳолатда энг яхшиси, буни тан олиб, бахтли бўлишга қарор қилишдир.

Бахтли бўлишни кутиб яшаган кишилардан бири шундай дейди: “Анчадан бери ҳаётим энди бошланганидай туюларди – ҳақиқий бахтли ҳаётим... Лекин доим йўлимда тўсиқлар пайдо бўлаверарди: нимадир сотиб олишим керак, қайсидир ишларимни якунлашим, қарзларимни тўлашим ва ҳоказо.

Шундан кейин хотиржам ҳаётим бошланганидай туюларди. Аммо кейин англадимки, мана шу тўсиқлар менинг ҳақиқий ҳаётим!”

Бундан кўринадики, бахтга етакловчи маълум бир йўл йўқ, бахтнинг ўзи йўлдир. Шундай қилиб, ихтиёримиздаги ҳар бир дақиқани қадрлашимиз лозим. Унинг ҳар бир онини беҳуда сарф бўлишидан эҳтиёт бўлайлик.

Шундай экан, кутишдан тўхтанг...

Мактабни тугатгач... Олийгоҳга киргач... Қанчадир пул топгач... Оила қургач... Фарзандли бўлгач... Ишга киргач... Нафақага чиққач... Баҳор, ёз, куз ёки қиш келгач... Бундай вақтлардан, бундай кутишлардан ўзингизни халос этинг. Зеро, вақт ҳеч кимни кутиб турмайди...

Шундай экан, яна бир бор эслатамиз, кутишдан тўхтанг...


Вафот этгач... ҳеч бирининг на нафи, на фойдаси бор.

Бахтли бўлиш учун ҳозирдан яхшироқ вақт йўқ!

Бахт – бу сафардир, манзил (ёки мақсад, натижа) эмас.

Гулшода тайёрлади.





Одинахон Муҳаммад Содик

# Ошишқа

Ташқарида шивалаб ёмғир ёғиб турибди. Одатдагидек, мадрасада толиба қизларга дарс ўтаётган эдим. Шу пайт қабулхонада ўтирадиган ходима эшикни очиб, мени бир аёл излаб келганини айтди. Дарс тугашига бироз бор эди. Шунинг учун: «Дарсимни тугатиб, чиқиб, қараб қўяман», дедим. Шу пайт ёмғир бирдан кучайиб кетди. Ходима яна келиб, «Бояги аёлни ичкарига олиб кирдим. Сизда зарур иши бор экан, жуда узоқдан келибди», деди. Қўнғироқ чалиниб, дарс тугади. Толиба қизлар чиқиб кетгач, хонага меҳмон аёл кирди. Эгни жуда юпун экан. Буни

кўриб, кўнглимдан «Бирор эҳтиёж билан келган шекилли», деган фикр ўтди. Сўрашаётганида жуда безовталигини сезиб, «Ҳа, каттароқ муаммоси борга ўхшайди», дедим ичимда.

У шундай деди: «Каналингизни доим кузатиб бораман, кўп фойда оламан. Айниқса «Ошиқлар» кўрсатувидан жуда таъсирланаман».

«Бу гаплари муқаддима бўлса керак, энди асосий мавзуга ўтади», дея кутиб турдим.

Аммо аёл: «Мен ҳам Аллоҳга ошиқман», деди-ю, бирдан йиғлаб юборди. Сўнг зўрға ўзини босиб, се-

кингина: «Мен фақат шуни айтиш учун келдим. Бошқа мақсадим йўқ», деди.

Кўнглим ғалати бўлиб, нима қилишимни, нима дейишимни билмай, бироз туриб қолдим. Аллоҳга чинакам ошиқ бўлган бу аёл ич-ичидан йиғлар, аммо йиғиси шикоят ёки нолиш йиғиси эмас, ҳақиқий дарди бор инсоннинг, иймони бутун, қалби уйғоқ одамнинг кўз ёшлари эди, туйғулари самимийлиги шундоққина кўриниб турарди.

«Оиласизман. – сўзида давом этди у. – Бир ўғлим бор. Нолимайман. Аллоҳ берган ҳаётдан розиман. Шукр қиламан. Биргина ташвишим

– Аллоҳдан узоқ бўлиб қолишдан қўрқув, холос. Шунинг учун олдингизга келдим. Устоз, менга тўғри йўл кўрсатинг. Мен бу бахтни энди топдим, қалбим ором олди. Қуръонга тўймайман. Бу дунёдан тамоман узилгим келади. Қанийди ҳеч ким мени безовта қилмас. Укаларим, сингилларим мен билан кўпроқ мулоқот қилишса, бироз ёқмай қолади. Вақтимни олишяпти деб, аччиғим ҳам чиқади. Лекин шу ҳолат нотўғри бўлса-чи, деб қўрқяпман. Хато қилиб қўйишни истамайман».

Аёлнинг бу сўзларини эшитгач, эгнининг юпунлиги дунёга қизиқмай қўйганидан эканини тушундим. Унинг безовталиги, қалбидаги хавотирлари аслида Маҳбубидан узоқлашиш эканини, ранглари ишқ дардида сарғайганини, кўзлари муҳаббатдан киртайганини англаб етдим.

Аллоҳ менга муяссар қилганича унга кўрсатмалар берган бўлдим. Аллоҳнинг муҳаббатига У Зотнинг розилиги сабаб бўлиши, розилиги эса У Зотнинг буйруқларини бажариш билан бўлиши, жумладан, яқинларнинг ҳаққини адо этиш, уларга силаи раҳм қилиш, яхшилиқда бардавом бўлиш ҳам фарз эканини ва бошқа кўп нарсаларни тушунтирдим.

Аллоҳга чин ошиқ бўлган аёл ташаккурлар айтиб, қайтиб кетди. Аёл кетгач, чуқур ўйга толдим. Шу пайтгача қабулимга жуда кўп инсонлар келишган. Аммо ҳали ҳеч ким бундай ҳолатда кел-

маганди. Диний ҳукмларни сўраб келишади, шариатдан билмаганларини сўрашади, кўпинча дарду ҳасратларини, дунёвий ташвишларни айтиб келишади. Бири қайнона билан олишган, бири эри билан аразлашган, бошқаси мол-мулк талашган, кундошга чидай олмаган... Хуллас, ҳаммаси дунёвий муаммолар. Уларнинг ичида ўша дунёвий муаммоларни деб ниҳоятда тушкунликка тушганлари ҳам кўп эди... Шунинг учун ҳам дастлаб бу аёл ҳақида бошқа фикрда бўлдим. Аммо у мени лол қолдирди.

Биз бу дунёда нима учун яшаймиз? Мақсадимиз нима ўзи? Кимдир билан таллашиб-тортишиб, нималаргадир эга бўлишми? Қачон асосий мақсадимиз Аллоҳга етишиш, Аллоҳнинг розилигини ишташ бўлади? Қачонгача шу ўтқинчи дунё ғалваларини охират ғамидан устун қўямиз? Дунёнинг ўнта муаммосини айтиб, дийдиё қиларканмиз, шуларнинг орасида ақалли биттаси бўлса ҳам охиратимизга тегишлими? Бўлар-бўлмасга шунча кўзёш қилар эканмиз, ақалли бир неча томчисини бўлса-да Аллоҳнинг ишқида тўқдикми ўзи? Бу ҳам етмагандек, шикоятларимизни бошлашдан аввал ўқиётган намозларимизни, қилган баъзи чала-чулпа амалларимизни пеш қиламиз...

Аслида барча муаммоларнинг ечими Аллоҳга қайтиш эмасми? Агар Роббимизга ҳақиқий муҳаббат қилганимизда, қалбаримизда дунё муҳаббатига

ўрин қолмаган, бу беш кунлик дунёнинг ташвишлари ҳам бизни безовта қила олмаган бўлар эди. Аллоҳга маҳбуб бўла олсак, У Зот бизни ҳам бошқа бандалар учун маҳбуб қилиб қўяди. Шунда талашиб-тортишадиган одамнинг ўзи қолмайди.

Шу тариқа мен ўша ошиқ аёлдан ўзим учун ибрат олдим. Олдим-у, уни сизларга ҳам илиндим.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Аллоҳ бир бандани яхши кўрса, Жаброилни чақириб, «Мен Фалончини яхши кўрдим. Сен ҳам уни яхши кўр», дейди. Шунда Жаброил ҳам уни яхши кўради ва осмонда нидо қилиб, «Аллоҳ Фалончини яхши кўради, сизлар ҳам уни яхши кўринглар!» дейди. Шунда осмон аҳли уни яхши кўради. Шундан сўнг ер аҳли қалбида ҳам унга нисбатан мақбуллик солиб қўйилади.

Аллоҳ бир бандани ёмон кўриб қолса, Жаброилни чақириб, «Мен Фалончини ёмон кўрдим. Сен ҳам уни ёмон кўр», дейди. Шунда Жаброил ҳам уни ёмон кўради ва осмонда нидо қилиб, «Аллоҳ Фалончини ёмон кўради. Сизлар уни ёмон кўринглар!» дейди. Шунда осмон аҳли ҳам уни ёмон кўради. Шундан сўнг ер аҳли қалбида ҳам унга нисбатан адоват солиб қўйилади».

Бухорий, Муслим ва Термизий ривоят қилганлар.

## Асмо бинт Абу Бакр

Бу саҳобийянинг исмлари Асмо, оталари Абдуллоҳ ибн Абу Қуҳофа, оналари Қутайла бинти Абдул Изз ал-Омирийя. Турмуш ўртоғи Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу, “Умму Абдуллоҳ” деб куняланганлар. Ўғли Абдуллоҳ ҳижратдан кейин Мадинаи мунавварада туғилган биринчи фарзанд. Асмо розияллоҳу анҳо Оиша розияллоҳу анҳодан 10 ёш кичик сингилларидир. У киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга 17 кишидан кейин иймон келтирган, Исломга аввал кирганлардан ҳисобланадилар.

Асмо розияллоҳу анҳо “Икки белбоғ соҳибаси” деб лақабланганлар. Бундай лақабланишларининг боиси, арабларда аёллар кўйлагининг икки четда кўшимча боғич бўлиб, кўйлакни ерга теккизмасликка хизмат қиларди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Мадинага ҳижратга отланганларида сафар халтаси ва сув идишни оғзини ёпишга боғич қидириб қолишди. Шунда Асмо розияллоҳу анҳо уларга кўйлақларидаги боғичларни берганлар. Шундан сўнг мана шундай шарафли лақабга эга бўлганлар.

Асмо бинт Абу Бакр розияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан 58 та ҳадис ривоят қилганлар. Имом Бухорий ва Имом Муслим у кишининг 13 та ҳадисида иттифоқ қилганлар.

Асмо розияллоҳу анҳонинг гўзал сифатлари ва юқори ахлоқлари китоблар-

да зикр қилинган. Ушбу саҳобийя Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аммаларининг ўғли Зубайр ибн Аввомга турмушга чиққанларида Зубайрнинг отларидан бошқа ҳеч нарсалари йўқ эди. Асмо эҳтиёжларига яраша уй юмушларини ўзлари бажарар ва бунда сабрли, ўлчовли ва зуҳд тақволи эдилар. Яна у киши балоғатли шоира ва адиба эдилар.

Асмо фарзандларига доим эҳсон қилишни буюрардилар. Абдуллоҳ ибн Зубайр онасининг саховатларини кузатиб туриб: “Мен икки

аёлдан бошқа сахий аёлни кўрмадим. Бири – Оиша, иккинчиси – Асмо! Лекин улар икки хил сахийдирлар. Оиша молни йиғиб, сўнг эҳсон қиладилар, Асмо эса қўлларига тушган нарсани эртага қолдирмасдан эҳсон қиладилар”, дедилар.

Асмо бинт Абу Бакр розияллоҳу анҳо Ярмак ғазотида иштирок этганлар. Ҳижрий 73 йилда ўғиллари Абдуллоҳ ибн Зубайрдан сўнг вафот этганлар. Аллоҳ улардан рози бўлсин.

Манба: mawdoo3.com  
Адолат тайёрлади



# МЕХР ДАН

## меҳр яралади...

“Бола фазилатли ахлоқ ҳақида ҳар қанча кўп ўқимасин, ўша ахлоқни катталар хулқида ўз кўзи билан кўрмагунича ахлоқлар варақлардаги ёзув ҳолича қолаверади”.

Болаларнинг туйғулари самимий, беғубор бўлади. Салга йиғлашади, бирпасда шодон кулишади, аразлашади, бирпасда овунишади. Улар дунёни катталардек кўрмайдилар. Балки улар оламни соф ҳолида, кирлардан холи, шаффоф кўрадилар. Ёлғонларсиз, иккиюзламачиликларсиз, риёсиз тасаввур этадилар. Тасаввурлари ҳам шунинг учун тиниқ, рангоранг бўлади. Инсон ҳаётидаги энг беғубор ва бахтли дамлар албатта, бу унинг болалигидир.

Хайрия штабимизга онаси билан бир болакай ҳам эргашиб келиб, оиласи келтирган эҳсонлари билан бирга ўзининг энг яхши кўрган, чиройли кийимларини катта бир сумка қилиб ташлаб кетибди. Йигитлар қўлида тутган ёзувини суратга муҳрлаб қолишибди: “Салом Дўстим! Менинг исмим Мустафо. Ёшим еттида. Дўстим, мен сенга ўзим яхши кўриб кийган кийимларимни совға қиляпман. Сабаби улар мендан кўра сенга керак-роқ!!! Сен асло хафа бўлма! Катта бўлсам ўзим сизларга кўп қаватли уйлар қуриб

бераман! Мен сен учун дуодаман!”

Телеэкранларда, ижтимоий тармоқларда бундай ҳолатларни кўплаб кузатяпмиз. “Болалар Рамазон айтиб йиққан пулларини Сардобага ёрдам учун бериб кетишди”, дея майда пуллар солинган шиша банкачани кўрсатяпти, бир дўстимиз. Яна бир телеграм канали қаймоқ идишига солиб йиққан пулларини хайрияга ташлаб кетган болакайнинг ҳимматини тақдирлаш мақсадида излаб, эълон беряпти.

Чиройли, катта-катта юшоқ ўйинчоқларини кўтариб келиб, офатдан азият чекаётган тенгдошига илиниб кетяпти қизалоқлар, болакайлар... Ўзбегимнинг болалари ҳам бошқача. Чунки улар саховатни, меҳрни катталарда кўришмоқда, улардан ибратланишмоқда. Аввало оилалари, ота-оналаридан сўзсиз, тушунтиришларсиз, назарий эмас, балки амалий дарсларни вужудларига, руҳиятларига сингдиришмоқда.

“Зурриётларингизга нисбатан меҳрибон бўлинг. Меҳрдан меҳр

яралади. Биз катталар кичикларга меҳр берсак, улар ўз навбатида бошқаларга меҳрли бўлишади. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам болаларга меҳрибонликнинг энг яхши намунаси бўлганлар”.

Миллатимиз қадимдан саховат, бошқаларга ачиниши, қайғуриши билан билан барча халқларга ўрнак бўлган, тилларда дoston бўлган. Уруш йилларида Тошкентимиз чин маънода нажот шаҳри, нон шаҳри бўлиб, минглаб етимларга бошпана бўлганини, эшелон-эшелон келган ота-оналарини йўқотган гўдакларни уйига киритиб, охириги бурда нони билан бўлишганини ҳали миллионлар унутгани йўқ. Ўша кечмишда яшаб улғайган, тақдирлари бу юрт билан боғлиқ инсонларнинг кўплари ҳали ҳаётлар.

Болаларга барча фазилатларда, эҳсонда, хурматда, ташаккурда ўрнак бўлайлик, уларга яхши тарбия берайлик, фойдали илмларни ўргатайлик, гўзал ахлоқларни севдирайлик. Бизнинг динимиз шуни таълим беради, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай таълим берганлар.

Бобур Аҳмад



# Репродуктив саломатлик —

бу ҳам жисмоний, ҳам ақлий-  
руҳий, ҳам ижтимоий  
фаровонликдир

Сайтимиз оркали “Зиёратдаги ибратларим”, “Янги туғилган чакалоқ билан рўза қандай тутилади?”, “Аллоҳдан хасталиқдан омонлик тиладим” каби мақолалари билан мухлислар қалбига кириб борган қалам соҳиби, шифокор Феруза Обидова 1974 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1992-1998 йиллари Тошкент Тиббиёт академиясида таълим олган. Турли лавозимларда ишлаган. Айни вақтда Тошкент шаҳар Олмазор туманига қарашли 15-поликникада умумий амалиёт шифокори. Шунингдек, муслимаат.уз сайти шифокори, саволлар.муслимаат.уз каналига келувчи тиббий саволларга жавоб беради.

– **Ю**ртимизда бир муддат карантин ҳолати жорий этилди. Сиз карантин вақтида ўзингизни қандай ҳис этдингиз? Кўрган ва билганларингиз билан ўртоқлашсангиз. Биз билган билмаган неъматлар қадри ҳақида гапирсангиз.

– Мен карантин вақтида ўзимни қандай ҳис қилдим? Карантин... Бу сўз остида жуда кўп маънолар ётади. Карантин вақти мен учун аввало нафсимни тафтиш қилиш даври, гуноҳларимга иқроор бўлиш



даври, тавбага юзланиш даври бўлди, десам муболаға қилмаган бўламан. Инсонга берилган икки неъмат борки, инсон уни йўқотгачгина қадрини билади. Булар – соғлиқ ва вақт қадри.

Касаллик ва ўлим хатари ўта саркаш инсонни ҳам бир зумда сергак торттирадиган хатардир. Инсон бу хатарга дуч келар экан, беихтиёр ундан халос бўлиш йўллари излай бошлайди. Қўл остидаги ҳар бир имкониятни ишга солиб, тушиб қолган вазиятидан чиқишга интилади. Ана шу нуқтада суяниладиган барча воситалар, сабаблар иш бермасачи? Ана шу жойда инсон ўзининг ким эканини англай бошлайди. У Яратган олдидаги ожиз ва нотавон қул эканлигини бутун шуури билан ҳис қила бошлайди. Бутун бир вужуди, қалби ила Роббисига юкинади. Ундан нажот излайди...

Касбим тақозоси билан кўп оғир касалликка чалинганлар, ўлим тўшагида ётган беморлар билан дуч келаман. Уларнинг ўша пайтадаги руҳий ҳолатларини кузатар эканман, аксар ҳолатда соф фитратларига қайтган ҳолатда топаман!..

Аслида касаллик ва ўлим хавфи ёмон нарсами? Бу хавф мўминни Роббига янада яқинлаштиради, тавбага чорлаб, ўзига келтиради. Ана шунда инсон Робби томонидан қанчалар кўп неъматлар ато этилганини: тан сиҳатлик, офият, тинчлик-хотиржамлик, фарзандлар, оила билан бирга бўлиш, ҳурлик, эркинлик, иймон ҳаловати, ризқланиш, мағфират лаззати, хуллас, санаб

саноғига етиш қийин бўлган неъматлар ичида яшаб юрганини ҳис қилади.

Фақат буларга йўлиққан инсон сабр қилиб, тафаккур қилиб, керакли хулоса чиқара олса, бас. Мен ҳам карантин даврида ана шу неъматларга кўмилиб яшган ҳолатда Роббимга ўзим хоҳлаганимдек бу неъматларнинг шукронаси ўлароқ яхши қуллик қила олмаганимни ҳис қилдим. Бу давр менга сабоқ бўлди. Шу ўринда шифокор сифатида яна бир нарсага диққатингизни қаратмоқчи эдим.

Ўн йиллар давомида олийгоҳларда ва ундан кейинги ўқишларим даврида юқумли касалликлар ва уларнинг юқиш омиллари, йўллари, профилактикаси ҳақида олган маълумотларимизда бир нарса етишмасди: “Касаллик юқадими?” деган саволга жавоб излардим.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг: “Касаллик (Аллоҳнинг изнисиз) юқиши йўқ”, деган ҳадиси шарифлари ҳақида жуда кўп ўйлардим. Амалиётимда бўлиб ўтган бир воқеа билан ўртоқлашсам: вазият шундай бўлиб қолдики, ишхонамда ҳамма иш менга қолиб кетди. Барча ходимлар – бири меҳнат таътилига, бири ўқишга – малака оширгани кетиб қолган эди. Хуллас, ҳам беш-олтита шифокорнинг қабули, ҳам хонадонларга бориб беморларни кўриб, даво муолажасини буюриш бир ўзимнинг зиммамга тушди. Уззукун зўриқиш билан ишлаш ҳолдан тойдирди. Шу қадар чарчадимки, ҳатто

чақирувларга борганимда: “Қанийди бирорта шамоллаган касаллардан шамоллаш менга юқса-ю, мен ҳам бир неча кун бўлса-да, уйимда дам олиб олсам”, деган хаёлга бордим. Беморларнинг томоғини текшириш асносида улар юзимга қараб аксирар, ёки йўталиб юборар эди. Ўткир респиратор касалликлар авжига чиққан айни совуқ дамларда бир хонадонда бутун оила касалланиб, иситмалаб ётган ҳолатлар кўп эди. Уларга хизмат қилиб бир ой ҳаш-паш дегунча ўтиб кетди, аммо бир кун ҳам касалланмадим. Бир ой ўтгач, барча ҳамкасбларим вазифасига қайтиб, ишим енгиллашди...

Аммо... ўз уйимда сал совуқроқ чойни ичиб қўйиб, томоғим оғриб иситмалаб ётиб қолдим! Бу воқеани нега эсладим? Мен “Касаллик умуман юқмайди”, деб эҳтиёт чораларини кўрмасликни тарғиб қилмоқчи эмасман. Балки Аллоҳнинг изнисиз ҳеч қандай нарса содир бўлмаслигини, Аллоҳ изнисиз ҳеч бир касаллик юқмаслигини ҳаётимда бўлган ана шу икки мисол орқали англаганимни таъкидламоқчиман.

Ҳозирги коронавирус касаллигидан фобия даражасида қўрқаётган юртдошларимга сабабларини қилиб ҳимоя воситаларини буюрилганидек қўллаган ҳолда энг аввал Аллоҳга суяниш ва У Зотдан паноҳ сўрашни, тонгги ва кечки зикрларни одат қилишларини, зарур дуолар ҳам кўрғон эканлигини унутмасликларини эслатиб ўтмоқчиман.

– Каналимизга сизга келаятган саволлар билан танишар эканман, асосан аёлларимизда бепуштлиқ, ҳомила тушиши, киста, шамоллаш каби гинекологик хасталиқлар жуда кўп. Шунингдек, асабийлик, кучли стресс ҳолатларидан шикоятлар ҳам бир мунча. Бундай хасталиқлар, шикоятлар аёллар ўртасида урчишига муносабатингиз қандай? Бу ҳолатлар қиз боланинг болалиқ ва балоғат ёшидаги тарбиясига ва эътиборига лоқайдлик сабабларидан келиб чиқмайдими? Ёш ва катта ёшдаги онажонларимизга қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?

– Бўлажак она ва қизларимизга ва уларнинг онажонларига аввало кўпроқ китоб ўқишни, хусусан, репродуктив саломатликларини асраш ҳақидаги билим ва кўникмаларни ҳосил қилишларини маслаҳат берган бўлардим.

Репродуктив саломатлик нима? Репродуктив саломатлик – бу ҳам жисмоний, ҳам ақлий-руҳий, ҳам ижтимоий фаровонлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, бу фарзанд туғилишига таъсир қилувчи касалликларнинг йўқлиги, шунингдек, уйғун руҳий ҳолат, фарзанд туғилишини мустақил режалаштириш қобилияти демақдир.

Аёллар бепуштлигига олиб келувчи бир қанча сабаблар бор. Шундай генетик омиллар борки, унга таъсир қилиб бўлмайди. Аммо кўплаб хавfli омилларни ўз вақтида истисно қилиш мумкин.

Қизлари келажакда соғлом она бўлиши ҳақида қайғурувчи оналар ўзлари ҳомиладорлиқлари давридаёқ қизларининг репродуктив саломатлиги ҳақида ўйлашлари керак. Сабаби, қиз болаларда ҳомила пайтидаёқ бўлажак жинсий ҳужайралар ҳосил бўла бошлайди. Дунёга келганда улар чегараланган миқдордаги ооцитлар – келгусидаги тухум ҳужайралар тўпламига эга бўлади. Бутун ҳаёти давомида қизларда бошқа янги тухум ҳужайралар ҳосил бўлмайди, аксинча, бу ҳужайралар сони фақат камая боради. Шунинг учун бўлажак оналарнинг зиммасида қизларининг жинсий системаси шаклланишида улкан масъулият ётади.

Туғилганидан бошлаб қизларнинг репродуктив

тиришлари, жинсий йўл билан юкувчи касалликларни (сифилис, гонорал, ТОРЧ...) истисно қилишлари керак. Туғилмаган болага бўлган севги ва ғамхўрликларнинг энг яхши намоиши – бу ҳомиладорликни амалга оширишдан 3 ой аввал зарарли одатлардан воз кечиш, зарарли озиқ-овқат истеъмолини чеклаш, Қуръон ва Аллоҳнинг зикри билан кўпроқ машғул бўлиш ва луқмасининг ҳалолдан бўлишига эътиборли бўлишдир.

Бир ёшгача чақалоқ қизлар гигиенаси қандай бўлишини аксар ота-оналар билишмайди. Бу ёшда қизчаларнинг жинсий аъзолари ҳаво ванналари ёрдамида тоза ва қуруқ сақланиши лозим. Пешоб бола терисини таъсирлантормаслиги учун тагликларни тез-тез алмаш-



саломатлигини қандай сақлаш керак? Иложи борица ҳомиладорликни режалаштириш афзал. Фарзандни касалликлар билан оғриши эҳтимолини камайтириш учун бўлажак ота-оналар шифокорларга бориб, ўз саломатликларини текшир-

тиринг. Ювиш воситаларидан фойдаланинг.

Мактаб ёшидаги қизлар (7 ёшгача) учун тавсиялар нимадан иборат? Аввало, қизлар тозалikka аҳамият беришлари лозим. Ухладан олдин ҳар кеча чўмилишни одат қилиши керак.

Сочиқлари тоза, юмшоқ ва қатъий шахсий бўлиши керак. Сочиқлар ҳафтада икки-уч марта алмаштириб, дазмоллаб ишлатилиши керак.

Турмуш қурган аёлларимиз ҳомиладорлик даврида албатта йод препаратларини ҳамда поливитаминларни биринчи триместрдан сўнг қабул қилишларини тавсия қиламан. Кўп аёлларимиз бунинг аҳамиятини унча тушунмаслиги мумкин. Дунё бўйича статистик текширув шуни кўрсатдики, ҳомиладорлик пайтида етарлича йод препарати қабул қилган оналардан туғилган болаларнинг интеллектуал салоҳияти уни қабул қилмаганлардан туғилган болаларникидан анча юқори бўлишини кўрсатган. Камқон ҳомиладор аёлдан анемия ва рахитга мойил болалар туғилади.

Бола туғилгач, чилла даврида гигиенага риоя қилинмаса, яна турли тос аъзоларининг яллиғланиши касалликлари келиб чиқади. Буларнинг олдини олиш учун албатта гинеколог маслаҳатига ўз вақтида мурожаат қилиш керак бўлади, асло "ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади" қабилда иш тутмаслик керак.

Аёлларда жинсий йўл билан юқувчи касалликлар аниқланса, албатта турмуш ўртоғи ҳам биргаликда даволанишини назорат қилиш керак. Акс ҳолда касаллик жинсий шериклар орасида қайталанувчи занжир шаклида юраверади.

40 ва ундан катта ёшдаги аёлларимизда "климактерик синдром" куза-

тилади. Авваллари у 60-65 ёшли аёлларда кузатилган бўлса, ҳозирда 30-35 ёшли аёлларимиз орасида қайд қилинмоқда. Бундай ҳолатларга аёл организмидаги тухум ҳужайралар – ооцитлар сони чегаралангани ва ташқи муҳит факторининг (чекиш, нотўғри овқатланиш, стресслар, етарлича дам олмаслик) бу ҳужайралар сонини камайтиришдаги салбий оқибатлари сабаб бўлади.

Демак, ҳеч қандай "ёшартирувчи" мўъжизавий таблеткалар мавжуд эмас. Фақат ўринбосар гармонал таблеткаларни қабул қилиб юриш орқали (климадинон, климаксон) климакс белгиларини (қизиб кетиш, юракқон томир касалликлари, терининг эрта қариши, суяклар мўртлиги) камайтириш ва асоратларининг олдини олиб юриш мумкин холос. Бу мақсадда катта ёшдаги аёлларимизга шифокор кўриги асосида Климанорм ва кальций (кальция ДЗ никомед) препаратларини қабул қилишларини тавсия қиламан. Ёш ўтиши билан тухумдонлар томонидан ишлаб чиқарилувчи эстроген гармонини камаяди. Натижада эстроген етишмаслиги суякларда кальцийнинг "ювилиб" кетишига ва натижада суяклар мўртлашиб, тез синувчан бўлиб қолишига олиб келади.

– *Бугунги кунда бутунжаҳон статистикаси ажралишлар сони узлуксиз ўсаяётгани, одамлар ҳаётида оилавий қадриятларнинг аҳамияти пасаяётгани ҳақида хабар бермоқда. Энг ачинарлиси,*

*аёллар жиноятчилиги, вояга етмаганлар назоратсизлиги оқибатида кўпчилик ҳуқуқбузарликлар келиб чиқмоқда. Бундай оғриқли ҳолатларнинг келиб чиқишига қайси омиллар таъсир қилмоқда, деб ўйлайсиз?*

– Ҳақиқатдан ҳам сўнгги ўн йилликда оилавий қадриятларнинг қадрсизланиши, оилаларнинг турли арзимас сабаблар билан парчаланиб кетиши ва аёллар, ўсмирлар орасида жиноятчиликнинг кўпайиши содир бўлмоқда. Бу жуда оғриқли ҳолат. Биз бутун дунёга машҳур олимлару ҳофизи Қуръонларни, кашфиётчию мутафаккирларни етиштирган халқимиз. Бу буюк инсонларнинг ортида буюк оналар турган. Миллатнинг маънавий қадриятларини сақловчиси ва кўриқловчилари муҳтарама оналаримиз бўлишган. Оналаримиз ўз уйларида ўз фарзандларининг маънавий қадриятларини шакллантириш учун жидду жаҳд қилишган.

Ҳозирги глобаллашув давридаги оналар эса ўзларининг асл вазибалари бўлмиш фарзандни баркамол қилиб тарбиялашдек улкан вазибани адо этишда бироз оқсамоқда назаримда. Бунга сабаб кўп аёлларимизнинг маърифатга, илм олишга рағбатларининг сустайиши, оиладаги ўз ўринларини билмай, ризқ таъминотини ўз заиф елкаларига ортиб олганликлари, эркаларининг топиш-тутишига қаноат қилмасдан "кўчага чиқиб кетишлари"дир. Шу сабабли на ўзларининг, на фарзандларининг маъри-

фатини оширишга вақт топа олмай қолаётганлари деб ўйлайман.

Ачинарлиси шуки, қиз бола кўп китоб ўқиса ёки бирон олий таълим муассасасига ўқишга кирмоқчи бўлса, "Ўқиб дунёни олиб берармидинг?" каби кайфиятдаги салбий муносабат одамларимиз орасида кўп урчиган. Ҳа, қиз бола ўқиса, маърифатли бўлса, келажакда дунёларни илми билан забт этувчи салоҳиятли зурриётларни тарбиялай олади. Қадимда халқимиз орасида Қуръони каримни, шунингдек, бир неча фикҳий китобларни ёддан биладиган аёлларимиз жуда кўп бўлган. Ҳозирда эса бундай опа-сингилларимиз санокли даражада. Нафақат диний, балки илмий китобларни ҳам ўқишга фурсат топа олмаётган опа-сингилларимиз ижтимоий тармоқларда бемаъни нарсаларга соатлаб вақтларини сарфлашлари жуда ачинарли ҳолат. Албатта, бундай ижтимоий тармоқ "маликалари"нинг ҳаётида оилавий можаролар келиб чиқиши табиий...

Динимизда эркак кишига, эрга итоатли бўлиш аёлни жаннатга етакловчи омиллардан бири сифатида кўрсатиб ўтилган. Ана шу қадрият эркакни оиланинг энг асосий устуни сифатида улуғлайди. Аммо охириги пайтларда, айрим аёлларнинг бу устунликка даъвогар чиқишлари оқибатида оилаларга дарз кетмоқда, фарзандлар етим қолмоқда. Оила бузилишига сабабчи омиллар жуда кўп. Оилавий ҳаёт, эр-хотин орасидаги муносабатлар ва оила юри-

тиш маданиятининг етишмаслиги, айрим аёлларнинг ёки эркакларнинг маърифати камлиги ёки унга рағбатсизлик, оиладаги эркакнинг ароқхўрлиги ёки жуфтлар орасида бирининг зинога юриши, ёш оилага ота-оналарнинг тинмай аралашавериши, эркакларнинг талоқ қилиш масалаларини яхши англамасдан хоҳлаганча талоқ лафзларини қўллаб юборавериши... Бу омилларни бартараф этишда каттаю кичикдан, эркагу аёлдан бирдек ҳаракат талаб этилади...

Хулоса қилиб айтганда, аёлда сабр-тоқат етишмаслиги, оилавий муносабатларда уқувсизлик, турмуш ўртоғи олдидаги бурчларини тўлақонли бажармаслик, ўз ишида ишламаслик, маърифатини оширишга уринмаслик каби салбий одатлар сабаб уриш-жанжаллар келиб чиқади. Оила дарз кетиши ва оиладаги психологик муҳитнинг ёмонлашиб фарзандларнинг психологик ногирон бўлиб қолишига олиб келиши мумкин. Оиласида ҳаловат бўлмаган болалар кўчадан ҳамдард истаб турли ноқобил дўстлар орттириб, жиноят кўчасига кириб кетиши аксар ҳолларда шундай вазият оқибатида келиб чиқади.

Бунинг муолажаси фақат битта, у ҳам бўлса, биз аёллар энг аввало, Аллоҳ таолони танишимиз, У Зот буюрган нарсаларга амал қилиб, қайтарганларидан қайтишимиз, динимиз аҳқомларини имкон қадар чуқурроқ ўрганиб, илм ва маърифат ҳосил қилиб, фарзандларимизда ҳам шу кўникмаларни

ҳосил қилишимиз, зурриётларимизни ҳам дунёвий, ҳам ухровий илмлар олишига рағбатлантиришимиз ва уларга бу борада имкон яратиб беришимиз, оилавий ҳаётда ҳам Аллоҳ таоло буюрганидек бахтиёр оила қуриш асосларига риоя қилишимиз керак.

*– Аёл заифа деб аталса-да, бир қўли билан дунёни, бир қўли билан бешикни тебратадиган, қирқ жонини ишга солиб, оилам, болам, чақам деб тиним билмайдиган, таърифини тасвирлаб бўлмайдиган мўътабар зот. Уларга қандай тилакларингиз бор?*

– Аёлларимизга тилакларим: ҳар бир аёл иймон лаззатини топсин, оиласида ҳаловат топсин. Турмуш ўртоқларининг меҳру мурувватида, фарзандларининг ардоғида гуллаб-яшнасин, ўзидан маърифат таратиб, фарзандларининг камолотига ўз ҳиссасини қўшсин, турмуш икир-чикирлари ичида ўз "мен"ини унутиб қўймасдан, доимий равишда ўз устида ишлаб, жамиятга ва оиласига наф етказадиган мушфиқ она, опа, сингил бўлсин. Улар жаннат райҳонларини етиштирадиган моҳир боғбонлардир. Боғларининг пайҳон қилинишига йўл қўйишмасин. Ҳар бир аёлга мустаҳкам соғлиқ, оилавий фаровонлик, оилада ва жамиятда қадрқиммат топишини, бахтиёр оила соҳибаси бўлишини ва албатта, Роббимнинг суюкли бандаси бўлиш бахтини тилаб қоламан!

Райҳона ХОЛБЕК қизи  
суҳбатлашди



## Рамазон дуоси

Саудиялик аёл Рамазон ойида ҳар куни ифторликдан аввал фарзандларини жамлаб, биргаликда шундай деб дуо қилишар экан:

“Эй Роббим, бизларга мулк этиб, олдида анҳори бор уй ато этгин”.

Аёлнинг умр йўлдоши унинг бу ишидан кулиб деркан:

– Мулки уйга қаноат этса бўлади, аммо олдидаги анҳорига?! Қандай қилиб, биз саҳроли юртда бўлсак?

Аёл жавобан шундай дебди:

– Роббингиз: “Дуо қилинг, ижобат этгум”, деб айтган. Мен истаган нарсамни сўраб дуо қиламан. Аллоҳим ато этгай, чунки У Карийм Зотдир.

Аёл ҳар куни дуо қилар, фарзандлари ҳам оналари билан бир ой давомида дуога қўшилишар экан.

Рамазон ойи тугади. Умр йўлдоши истеҳзоли кулиб:

– Сўраган уйинг қани? Унинг анҳори-чи? – деди.

– Аллоҳим албатта беради, ихлосимни қайтармайди, – деди аёл ишонч ва қатъият ила.

Аёл шундай дея ҳикоясида давом этди:

“Шаввол ойининг олтинчи

кун рўзаси яқун топгач, ажиб бир ҳодиса рўй берди. Умр йўлдошим аср намозидан сўнг масжиддан чиқиб келаётса, олдида Риёз шаҳридан бадавлат бир одам келиб, салом-алик қилиб дебди:

“Менинг бир уйим бор. Унинг ярми отамга қарашли. Қолган ярми эса менга ва оиламга ортиқчалик қилаяпти. Аллоҳ таоло Ўзининг фазли ва инъоми ила ризқимни кенг қилиб берди. Мен уйни биринчи кўрган инсонимга тақдим этишни дилимга тугиб қўйган эдим. Уйни ҳеч қандай эвазсиз олинг. Агар ҳижолат бўлсангиз, унда майли, қодир этганингизча тўланг”.

Аёл ҳикоясини давом эттирди:

“Биз уйни ҳеч нарса бермай туриб қабул этишга ҳаё қилдик. У ердан-бу ердан қилиб 7 минг риёл (1800 доллар) пул жамлаб уй эгасига топширдик.

Ҳақиқатдан ким Аллоҳга содиқ бўлса, Аллоҳ ҳам унга беради. Ким ижобат бўлишига чин дилдан ишонса топади.

Рамазондан сўнг Риёздаги энг кўркам туманлардан бирида уйли бўлдик. Аммо биз Аллоҳдан олдида анҳори бор

уй сўраган эдик. Мана уй, анҳор қани?”

Шунда мен машойхлардан бири билан суҳбатлашиб, сўрадим:

– Шайх жаноблари, Аллоҳ азза ва жала: “Дуо қилинг, ижобат этгум!” деб айтмаганми?

– Албатта айтган.

– Шайх жаноблари, мен бир ой тинмай Аллоҳдан олдида анҳори бор уй ато этишини сўраган эдим. Уйга эга бўлдим, лекин анҳори қани?

Шайх унинг дуосидан ажабланди. Унинг Аллоҳга бўлган ишончи ва Аллоҳ унга сўраганини ато этганидан янаям ҳайратланиб кетди.

– Ҳозир уйингиз олдида нима бор?

– Масжид бор.

Шунда шайх жаноблари кулиб деди:

– Мана шу анҳор бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менга айтинглари-чи, агар сизлардан бирингизнинг эшиги олдидан анҳор оқса, унда ҳар куни беш марта ювинса, нима дейсизлар, унда кир қоладими?» дедилар. Саҳобалар: «Умуман кир қолмайди», дедилар. Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Беш вақт намоз ҳам худди шундай. Аллоҳ у билан хатоларни ўчиради», дедилар.

Дарҳақиқат, Аллоҳ аёлга бу саҳроли ердан анҳор чиқариб беришга Қодир бўлган Зотдир. Аммо У Зот аёлга бу дунё анҳорларини хайрга ўзгартириб берди. Ҳар бир мўмин учун хушбўй ва ёқимли бўлган анҳор сеvimлидир. Унда инсон дунё мусибатларидан ва оғриқларидан ҳордиқ чиқаргай.

Умму Ясмин таржимаси



## "Болалар жаннатнинг гўзал қаҳалакларидир"

Вақт оқар сув деганларича бор экан. Бу воқеа содир бўлганига ҳам олти ойдан ошиб қолибди. Сергели туманида яшовчи эрхотин спиртли ичимлик ичиб, беш ёшли фарзандини дўппослаб ўлдиришган. Сўнгра содир этилган жиноятни яшириш ва жазодан қутулиш мақсадида, мурдани йўқотиш учун уни йўл сумкасига жойлаштириб, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги ижарага олинган дала ҳовлига олиб боришган. Мурда ўчоқда ёқилиб, сўнг ёнмай қолган

қолдиқлари қопга солиб, Чирчиқ дарёсига ташлаб юборилган...

Бу узоқ ўтмишда эмас, сиз билан биз яшаётган мана кунларда содир этилган ва содир этилаётган мудҳиш жиноятларнинг биттаси холос.

Ҳар гал ҳали беш ёшга тўлмаган, ширин тили билан «Ойижон, сиззи ҳаммадан яхши кўраман...» дея бағримга отилиб, дунё ғамларини унуттирган, қалбимга бир дунё қувонч улашган боламни бағримга босарканман... ота-она-

си қўлида дўппосланган, тажовузга учраган, калтакланган, зўрланган, ташлаб кетилган ва, энг ачинарлиси, 5 ёшли гўдак каби ваҳшиёна ёқиб куйдирилган болаларни эслайман...

Биз ким бўлиб қолдик?! Қалблар нега бундайин ваҳшийликка тап тортмай рози бўлмоқда, қўллар тортинмай бундай разилликларни адо этмоқда? Нега жиноятлар учун босган қадамларимиз шаҳдам бўлиб бормоқда? Нега қалбларда қўрқув, азоб, титроқ йўқ?

Қалбларимиз қорайи-

ши натижасими бу?! Луқ-манинг нопоклигими бу?! Покликнинг ўрнини нопоклик эгаллаганими бу?!

Бундай сабаблар кўпайган сари оналик меҳри ҳам «она»лардан воз кечади. Меҳрдан Мосуво бўла бошлаган қалб алал оқибат «она» деган энг азиз ва энг қадрли унвондан маҳрум бўлади...

«Сурхондарёнинг Ангор туманида 8 ёшли ўғлини сотаётган аёл қўлга олинди».

«Навоий вилояти Кармана туманида 30 ёшли аёл ўзининг 2,5 ёшдан ошган ўғлини сотаётганда қўлга олинди».

«Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида фуқаро чақалоғини 10 минг 200 долларига сотмоқчи бўлганида ушланди»...

Бундан бир неча йил илгари янгиликлар ва интернет тармоғи орқали тарқалган Суриядаги адашган ўқнинг нишони бўлган боланинг жони узилиши олдидан операция столида: «Ҳаммангизни Аллоҳимга айтиб бераман», деган сўзлари бутун дунёни ларзага солган эди.

Бугун дунё болалари аксари нафақат адашган ўқнинг, балки онаси, отаси, яқинлари ва васийларининг отган ўқларига нишон бўлмоқда. Минглаб гўдаклар туғилибоқ ташландиқ жойларга ташлаб кетилмоқда, пул эвазига номуссизларга сотилмоқда, очлик қурбонига айланмоқда, қул қилиб олиб кетилмоқда. Жинсий ва руҳий зў-

равонлик ҳамда босимга учраётган болаларнинг эса саноғи йўқ.

Жаҳонда болалар билан бўлаётган ҳолатга бир назар соламиз:

Тайландлик вояга етмаган қизларни ота-оналари жинсий қулликка сотишади.

Яқин Шарқдаги болалар уруш-уруш ўйнамайди, улар қўлларида ўйинчоқ эмас, ҳақиқий автоматлар. Жонларини сақлаш учун қурол олиб юришга, ўлдиришга ва ўликларни ҳар куни кўришга мажбур.

Непаллик қизлар бир ойда уч-тўрт кунга уйлари-дан ҳайдалади.

Ҳар куни 16 минг бола 5 ёшга тўлмай вафот этади. Аксарияти даволаса бўладиган касалликлардан, олдини олса бўладиган сабаблардан...

Ҳар 7 сонияда 15 ёшгача бўлган қиз кимнингдир хотинига айланади

Ҳар икки сонияда вояга етмаган қиз онага айланади.

Ҳар олтинчи болакай мактабга бориш, ўқиш имкониятига эга эмас, бу дегани 263 миллион болакай келажаги қоронғу.

Ҳар саксонинчи бола уйдан уруш туфайли қочишга мажбур. Бу дегани 28 миллион бола дегани.

Ҳар куни 200 нафар бола қасддан ўлдирилади.

163 миллион бола тиррикчилик учун меҳнат қилишга мажбур. Бу бутун Европа болалари сонидан кўп.

Фарзанд – шахс, фарзанд – омонат. Фарзанд шахсий мулк эмас.

«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»-ги қонуннинг 8-моддасига кўра, «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир боланинг узвий ҳуқуқидир. Бола ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Давлат соғлом боланинг туғилиши ва ривожланишини таъминлаш учун шароит яратади». Ҳар бир боланинг яшаш ҳуқуқи Қонунимизда кўрсатилиб қўйилибди! Унинг ҳаётига суиқасд қилиш жиноят деб белгиланган экан, бу жиноят бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам албатта жазосиз қолмайди!

Зеро, башариятни хато ва гуноҳ иш содир этишидан огоҳлантириб, уларга Илоҳий китобни, Пайғамбарларни юборган Аллоҳ таоло болаларни эъзозлашга, кўз қорачиғидек асраб-авайлашга амр этган. Суюкли Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳам кўплаб ҳадислар ворид бўлди.

**«Мол ва фарзандлар дунё ҳаётининг зийнатидир»** (Қаҳф сураси, 46-оят).

\* \* \*

**«Оналар болаларини тўла икки йил эмизадилар. (Бу муддат) эмизишни камолига этказишни истовчилар учундир. Уларни (оналарни) меъёрида озиқлантириш ва кийинтириш отанинг (эрнинг) зиммасидадир... Болалари туфайли ота**

**ҳам, она ҳам зарар кўр-масин!»** (Бақара сураси, 233-оят).

\* \* \*

**«Эй мўминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳли оилаларингизни ўтини одамлар ва тошлар бўлган дўзахдан сақлангиз»** (Таҳрим сураси, 6-оят).

\* \* \*

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Фарзанднинг ота олдидаги ҳақларидан бири ота фарзандининг онасини тўғри танлашидир», деганлар.

\* \* \*

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳасан номидан бир кўй сўйдилар ва: «Эй Фотима, унинг сочини ол ва сочининг оғирлиги миқдорида кумуш садақа қил», дедилар. Мен уни тортиб кўргандим, оғирлиги бир дирҳам ёки ундан камроқ чиқди» (Термизий ва Ҳоким ривояти. Ривоят санади ҳасан).

\* \* \*

«Ҳар бир туғилган чақалоқ соф фитратда туғилади. Ота-онаси уни яҳудий ёки насроний ёки мажусий қилиб тарбиялайди. Шу тариқа боланинг тили ёки шукр килувчи ёки куфр қилувчи бўлади».

\* \* \*

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай

деганлар: «Сизларнинг бирортангиз боласига гўзал одоб бера олиши, ҳар куни ярим соъ (тўрт юз гр) садақа беришидан афзалдир».

\* \* \*

«Болалар жаннатнинг гўзал капалакларидир» (Муслим ривояти).

\* \* \*

«Солиҳ фарзанд жаннат райҳонларидан бир райҳондир» (Ибн Можа ривояти).

\* \* \*

«Солиҳ фарзанд солиҳ оиланинг мевасидир» (Термизий ривояти).

Бундай ояту ҳадисларни кўплаб келтириш мумкин. Динимизда жаннат райҳонлари бўлмиш азиз болаларимизни ҳимоя қилиб айтилган мана шундай амр ва эслатмалар, огоҳлантиришу танбеҳлар жуда кўп. Ижтимоий ҳаётимизда эса қабул қилинган кўплаб Қонунларимиз бор. Аммо буларнинг барчасини писанда қилмай жиноятга қўл ураётган кимсаларни ким дейиш мумкин?

Эй ўз жигарпорасини сотаётган аёл! Эй норасида гўдакни ўлдиришга чоғланган она! Эй ҳали ёруғ дунёни кўришга улгурмай боласини қотилига айланган шафқатсиз она! Бир зум тўхта! Сенга момиқдай қўлларини илтижо ила чўзган, қалбингни дард-аламдан фориг қилган, жажжи тиллари ила, «Ойижоним, сиззи яхши кўраман...» дея

бағрингда ором олишга ҳақли жигарпорангга бугун сен шафқат қилмасанг, «Ҳаммангизни Аллоҳимга айтиб бераман!» дея нидо қилади! Ана унда жиноятнингнинг жазоси оғир кечади: ҳам бу дунёда, ҳам у дунёда азоб ичра қоласан!

Қалб танадаги ҳар бир аъзонинг ишини бошқариб туради. Қалби соғлом одамнинг ҳамма аъзоси саломат, демак, унинг иши ҳам тўғри бўлади. Гуноҳмаъсият кирлари эса дил ойнасини хиралаштиради. Оқибатда қалб қораяди. Гуноҳлар йиғилиб-йиғилиб қалбни занглатади, дилни қорайтиради, кўнгилни ғаш қилади. Қалб қорайиши оқибатида инсон шуури ўтмаслашади, меҳр-оқибат туйғуси киши билмас тарзда кўтарилиб боради. Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтганларидек, «Темирга сув тегса занглайди. Худди шунга ўхшаб қалбларни ҳам занг босади». Унинг жилоси эса ўлимни кўп эслаш, Қуръон ўқиш билан.

Қалбларимизни ислоҳ қилайлик, унинг жилоси ва шифоси бўлган амалларга жидду жаҳд қилайлик. Шифо топган қалблар занглардан фориг бўлсин, унда сакинат, сабр, матонат, илм, диёнат ва энг асосийси, МЕҲР-ШАФҚАТ уруғлари ниш урсин. Бу ниш гуллаб-яшнасин. Кўкларга бўй чўзсин...

Азиз фарзандларимиз кулгуси, жаранглаган овози бутун оламни тутсин!

Райҳон Холбек қизи



# МЕН НИМА УЧУН ЁЛҒИЗМАН?

Muslimaat.uz сайтининг “Психологга саволим бор” рукнига мухлислардан кўплаб саволлар келади. Саволлар билан танишар эканман, аксарият ҳолларда аёлларимиздан: “Мен тез тушкунликка тушиб қоламан”, “Нима учун ўзимни ёлғиз ҳис этаман?”, “Нима учун одамови бўлиб қолдим?”, “Нега мени ҳеч ким тушунмайди, кўнглимни ҳеч нима ёриштирамайди?” қабилдаги саволлар.

Бундай қалб оғриқларини сабаби таҳлил қилинса, барчасининг боши болалигида бўлиб ўтган воқеалар, ота-оналарнинг болаларига қилган нотўғри муомалаларига бориб тақалади.

Бир куни қабулимга бир аёл келди. У асаблари таранг эканлигидан шикоят қилди. Шу даражага борибдики, у кичик ўғлининг шўхлигига бардош беролмай, қўлидаги пичоғини болага қараб отибди.

Бола қочибди. Аммо пичоқ боланинг икки кураги ўртасига қадалибди. Яхшиям бола қочган, йўқса юрагига санчилар эди! Нима учун она бу каби даҳшатли, ўта қўрқинчли ишга қўлини урди? Ота-онанинг фарзандига ғазаби чиққан вақтида инсонни ўта кучли эмоционал тўлқин босиб қолиб, бехосдан агрессив реакция қилганини билмай қолади. Ана шу вақтда бу агрессив ҳолат тоқдан разряд олингани каби разряд қувватини олади. Бу ҳолат ҳар гал ғазабланганда кучаяверади. Бундай вазиятда инсон ўзига болага қўл кўтаришни ёки бақаришни тақиқлай олмайди. Чунки бу агрессия инсоннинг ичидан чиқади. Ана ўша ердан ўзгартириш киритиш керак бўлади. Яъни қадам ба қадам ҳатти-ҳаракатни режалаштириб, сўнг унга амал қилиш керак. Бу ҳаракатлар қуйидагича:

– Ғазаб келган вақтда нималарни ҳис этасиз? Қаҳр, жаҳл, хафа бўлиш, ожизлик?

– Жисмоний даражада нима ўзгаришлар содир бўлди? Ер тепиниш, қўлни паҳса қилиш, қўлни мушт қилиб олиш, юракни тез уриб кетиши...

– Бу ҳис-туйғулар қайси воқеаларга ўхшайди, нималарни эсингизга солади?

Энг яхши одат юқоридагиларни ёзиб юриш. Аввалига инсон ўзини тутолмаган вақтларидаги ҳолатларни ёзиб юриши



керак. Кейин бора-бора айни ғазаб келгандаги ҳис-туйғуларини онг билан тушуниб инсон уларни бартараф этадиган даражага етиб боради.

1. *Ҳаётида бўлиб ўтган ўзининг баъзи азоб-уқубатлари эсига тушса, демак, шу воқеаларини бирон яқин кишисига қайта-қайта гапириб бериши керак.*

Психологияда шундай коуч тренинг бор. Бу кўпчилик йиғиладиган жойларда бажарилади. Тренинг учун беш дақиқа берилади. Ёнма-ён ўтирган бир-бирига нотаниш икки киши дардларини бир-бирига галма-галдан тинмай гапирадилар. Коуч тренинг қатнашчиларнинг ўзлари-

даги кечирган руҳий ҳисларини сўраганида анча ичи бўшаб, енгиллик ҳис этганини айтганлар. Бу иш қайта-қайта такрорланса, ўша дард охири дард ҳам эмас, бир арзимас воқеа каби инсон кўз олдида гавдаланади.

2. *Бўлаётган ёки бўлган воқеаларга ташқаридан назар солиш.*

Бу машқни йўл-йўлакай бажарса ҳам бўлаверади. Магазинда ёки банкда навбатда турганда биров-биронни туртиб юборса ёки навбатсиз ишини бажармоқчи бўлаётганида бошқалар у билан уришиб кетишса, кўпчилик ташқаридан томоша қилиб туради. Камдан кам ҳолатларда кимдир ўша вақтда инсофга чақиради. Кўпчи-

лик шунчаки томоша кўргандек қараб тураверади. Ана шу ҳолатни боланинг айтганини қилдирмоқчи бўлганида қўллаш ўринли бўлади.

3. *Болаларни алаҳситиш.*

Болалар ҳар хил инжиқликларни ўзига эътиборни тортиш учун қиладилар. Тажрибали ва онгли ота-оналар бу вақтда эмоцияларини, ҳис-туйғуларини ўчириб, болани алаҳситишга ўтадилар. Мисол учун, ширинлик ейман деб дод солаётган болакайни копток ўйнаш, расм чизиш, бекинмачоқ ўйнаш кабиларга алаҳситиш.

4. *Болага меҳр-муҳаббатини изҳор этиш.* Ота-она болани яхши кўришини ҳар куни изҳор этиб туриши ва уни бағрига қаттиқ босиши билан кўрсатиб туриши керак. Ота-она болани кунига камида 6 марта бағрига босиши зарур. Бир куни Пайғамбаримиз алайҳиссалом Ҳасан ва Ҳусан невараларини тиззаларига олиб уларни ўпиб, эркалатиб ўтирсалар, бир саҳоба бу манзарани кўриб: “Ё Расулуллоҳ, сиз болаларни шундай эркалатасизми? Мен ундай қила олмайман”, деди. Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳ қалбингдан меҳрни олиб қўйган бўлса, мен нима қилай?” деб жавоб бердилар.

Кўпинча ота-оналарнинг ўзларини нотўғри тутишининг сабаби уларнинг ички чарчоқлари, маъна-

вий ожизлиги, бошидан ўтказган баъзи нохушликларини, ўз ҳаётини қониқмаслигидир.

Ота-оналар аввал ўзи учун яшашни ўрганиб олиши, аввал ўзини бахтли ҳис этиши, ўзи ҳақида қайғуриши, чарчоқ ҳис этилганда дам олишни ўрганиши лозим. Чунки айнан бахтли ота-оналарнинг зурриётлари бахтли бўладилар, ва афсуски, аксар ҳолда бахтсиз ота-оналарнинг зурриётлари бахтсиз ҳаёт кечиришади.

Инсон ўзини ёлғиз ҳис этар экан, кўп тушкунликка тушар экан, демак, бу ҳолатни у ўз ота-онасидан мерос қилиб олган бўлади. Ёки бола катта бўлгач, серзарда, жаҳлдор, ғазабли бўлса, демак, у уйда шу ҳисларни намоён бўлганини кўриб ўрганган бўлади. Мабодо қиз бола ота онасига зулм қилганини кўрса, калтаклаганини кўрса, демак, турмушга чиққач, унинг ҳам турмуш ўртоғи отаси каби муомалани қиладиган бўлади. Негаки бу қизнинг онги шунга руҳсат бериб қўйган ва онги уни “жабрланувчи” ролига киргизиб қўйгани сабабли яхши инсонга турмушга чиққан бўлса-да, бу инсон бора-бора зулм қиладиган золимга айлана бораверади. Парадокс шундаки у бошқаларга нисбатан инсонийлигини унутмаган ҳолда маданий муомала қилади, аммо ўз аҳли аёлига келганида золимга айланиб қолади.

Ота-оналар фарзанд кўрганларида албатта бахтлисаодатли, ақлли фарзанд бўлишини ният қиладилар ва улар ҳаққида чиройли дуолар қиладилар. Аммо ҳар ким ҳам ўз-ўзидан шундай бўлиб қолмаслигини тушунавермайди. Болани дунёга келтиргач, еб-ичишни ўргатиш, қўлидан тутиб, етаклаш билан тарбия комил бўлиб қолмайди. Ота-онанинг йиллар давомида қилган меҳнати самарали ўлароқ болалар навқирон, зиёли, онгли, ақлли, фаҳм-фаросатли бўлиб улғайишади. Бу камолатга бола оилада албатта хурсандчилик ичиде ўсиши, бахтли ота-онанинг чеҳрасини кўриши ила етишади. Чунки доим сиқиладиган, нималардандир кўрқадиган, стресс ҳолатини кўриб ўсган боланинг ақл даражаси торашиб, мия иш фаолияти бузилади ва ривожланиши учун керак бўлган маълумотларни қабул қилмайди.

Азиз ота-оналар, болаларимиз келажаги, камолати сизнинг қўлингизда! Бунинг учун аввало, болаларимиз қалбларига хурсандчиликлар улашайлик, уларга яхши намуна бўлайлик. Ана шундан сўнг эса уларга илм беришимиз, ўқитишимиз осон кечади. Ана шундан сўнг улар кўп-лаб муваффақиятлар сари жўшқин ва илдам қадам ташлай олади.

Мадина Джураева,  
психолог

## “Оиламдан далда, журъат топишим учун йигирма йиллик умримни меҳр билан бердим”



“Муслималар форуми”да блогер, педиатр, журналист Муаззам Иброҳимова билан манфаатли суҳбат

Муаззам Иброҳимова 1975 йили Фарғонада туғилган. Болалар шифокори, блогер. Турк дунёси журналистлари федерацияси ва Турк дунёси хужжатли филмлар фестивалининг Ўзбекистондаги вакили.

### **Фарангиз Камолиддин қизи:**

– Кичкиналигимда «Янги Зилопиядаги саргузаштлар» номли асарингизни ўқиб ижодингизга қизиқишим ортган эди. Шифокорлик ва ёзувчилик фаолиятингизни биргаликда олиб бориш сизга қийинчилик туғдирмайдими? Жавобингиз учун ташаккур

– Авваломбор эътиборингиз учун раҳмат! “Янги Зилопиядаги саргузаштлар” асарини ўқиганман, деб жуда хурсанд қилдингиз. Учинчи қизимга ҳомиладор пайтимда ёзишни бошлаганман. Кейин

фарзандим туғилгач, ҳеч ким айтиб бермаган янги эртақлар тўқигим келган. Ҳозир ҳам шунақа эртақчаларни ва болажонларга аталган ҳикоя, шеърларни мазза қилиб ёзаман. Чунки уларни ёзиш жараёнида ўзим ҳам болага айланаман.

Шифокор танадаги дардни даволаса, ижод билан руҳиятни даволаш мумкин. Ўзимни етук ёзувчи деб ҳисобламайман, ҳаваскорман. Ишхонамда ҳамкасбларим яқин-яқингача ижодим ҳақида умуман билишмасди. Паспортдаги фамилиям “Ибраги-

мова” бўлгани учун баъзан “Сизнинг адашингиз экан, қаранг, зўр ҳикоя ёзибди деб қўлимга “Бекажон”, “Ҳордиқ” газеталарини тутқазишарди. Ҳар иккаласини эплашим учун қувват бераётган Аллоҳга беҳисоб шукр.

### **Оиша:**

– “Колумб” номли ҳикоян-гиз ҳаётини воқеалар асосида ёзилганми? Умуман бошқа ҳикояларингиз ҳам жуда ҳаётини ёзилган, уларга қанчалик бадиий бўёқ берасиз? Кейин бунчалик жасорат сизга кимдан ўтган ёки қандай шаклланган?

– “Колумб” ҳикояси ҳам бошқа ҳикояларим каби ҳаётини воқеалар асосида ёзилган. Асардаги йигитча реал тақдир соҳиби. Қаттиқ таъсирланиб ёзганман. Тўқима ҳикоя ёза

олмайман. Ёзсам ҳам ўхшаймайди. Шунинг учун илҳом келишини кутаман. Уларни бадийлаштиришга келсак, қўлимдан келганча ҳаракат қиламан. Аммо кўп ҳолатда шошма-шошарлигим панд беради. Оила, иш, рўзғор ва бошқа юмушларга чопаман. Натижада битта қисса, романга арзигулик воқеа, ҳодисаларни қисқартириб қўяман. Тезроқ ижтимоий тармоқларга жойлагим келади. Балки шошқалоқ бўлмаганимда ҳикояларимдан юз чандон яхши асарларни ўқишингиз мумкин эди.

Ўзимни у қадар жасоратли дея олмайман. Чунки ҳали айта олмаган жуда кўп гапларим бор. Улар бомбадай қалбимни портлатиб ётибди...

#### **Нигора Жалолхон қизи:**

– Сизни “Муслималар форуми”даги опа-сингилларим орқали таниб, мақолаларингизни ўқиб бораман. Ўткир қалам соҳиби, ташаббускор аёл деб биламан. Мақолаларингизни ўқиб анча пайтгача таъсирланиб юраман.

Сизга саволим: Турклар билан дипломатик, ижодий фаолият олиб борар экансиз. Бу миллатнинг қайси жиҳатлари сизни мафтун қилади ёки аксинча? Юртимизга уларнинг муносабати қандай?

– Авваламбор эътибор учун раҳмат, синглим. Мақола ва ҳикояларимни сиздай инсонлар ўқиётгани учун ёзаман. Борингизга шукр! Туркия ҳақида савол берган экансиз. Бу давлат билан алоқаларим 2015 йили Турк дунёси журналистлари қурултойига таклиф этишгандан сўнг бошланган. Ўшанда “Мен профессионал журналист эмасман, мутахассислигим бўйича шифокорман. Касалхонада ишлайман,

қурултойга боришга вақтим ҳам йўқ”, деб эътироз билдирганман. Аммо улар фейсбукдаги саҳифамни кузатиб бораётганларини, ёзаётганларимни ўқиб боришларини айтишган. Таржимон орқали албатта. Чунки у вақтлар туркча билмасдим.

Кейин турли анжуманларга таклиф этилдим. Ҳозир Турк дунёси журналистлари кенгашининг Ўзбекистон вакили, Турк дунёси ҳужжатли фильмлар фестивалининг Ўзбекистондаги координатори, Турк дунёси болалар фонди, Турк дунёси педиатрлар ассоциацияси, Туркий оналар кенгаши аъзоси... хуллас бир қанча катта-кичик ташкилот ва кенгашлар аъзоси сифатида фаолман.

Туркияликлар ҳам сизу бизга ўхшаган инсонлар. Тил топишсангиз, уларни қадриятларини ҳурмат қилсангиз ва ўзлингизни йўқотмасангиз, улар сизни қаттиқ ҳурмат қилади. Уларнинг меҳнатсеварлиги, ҳунар ўрганишга интилувчанлиги, янгиликка ўчлиги ёқади. Масалан, биз турмуш ўртоғим билан бир қанча мебель фабрикаларига иш юзасидан борганимизда директордан тортиб, оддий ишчиғаям ўз вазифасига қунт билан қараши, сидқидилдан меҳнат қилишига тан берганмиз. Тўртга тўрт ҳажмдаги кичкинагина хонада мебелларнинг майда-чуйда темир деталларини ясаётган иккита 20 ёшли болани меҳнатига тан берганман. Улар ўз маҳсулотини нафақат Туркия, балки Европа, Осиё давлатларига ҳам экспорт қилишар экан. Газета, китоб ўқишлари ёқади. Кўча-кўйда, бозорларда аксарият ишчилар эркаклар. Аёлларини авайлашади. Динга муносабатлари ва аксарият одамлари: каттаю кичигини

ибодатларни ўз вақтида адо этишлари ҳам ҳурматга сазовор. Урушқоқ, шаллақи аёлларини ҳам кўрганман. Аммо жуда кам. Ўзим таниган жуда кўп аёлларнинг тили ширин.

#### **Покиза Алишер қизи:**

– Муаззам опа, сизга жуда ҳавасим келади! Машааллоҳ! Жуда кенг фикр аёллингизнингиз ёзишмаларингизда яққол кўринади! Шунча шижоат ва энергияни қаердан оласиз?

– Покиза синглим, ҳавас қилибсиз, Аллоҳ барча эзгу ниятларингизни ижобат қилсин. Шижоат ва энергияни энг биринчи навбатда оиламдан оламан. Турмуш ўртоғим мени қўллаб-қувватлайди. Баъзан қалтисроқ мавзуда ёзишга иккиланиб турсам, турмуш ўртоғим: “Онаси, ёз! Бу кўпчиликка ибрат бўлади. Кимлардир хулоса чиқаради”, деб далда беради. Баъзан болаларим ҳам дадаси каби йўл тутишади.

Шундай вақтлар бўлганки, ишдан ёки бошқа тадбирлардан чарчаб кеч келаман. Шунда баъзи аёлларга ўхшаб кўрқиб остона хатламайман. Ёлғон ишлатмайман. Чунки уйга кирсам, оилам кулиб қаршилайди. Овқат қилинган бўлади. “Дадаси, бугун фалон жойга учрашувга бориб кечроқ қайтдим”, “Дадаси, беморим кўпайиб кетди” деб гап бошласам, турмуш ўртоғим: “Сендан биров ҳисобот сўраяптими? Овқатингни есангчи?!” дейдилар.

Хуллас, менга ишонишади. Аммо бу ишончни қозониш ва оиламдан далда, энергия, журъат топишим учун йигирма йиллик умримни меҳр билан бердим.

Адиба Сулаймонова  
тайёрлади

# БИР ДОНА ШАФТОЛИ БАҲОСИ

Туркиянинг Шом чегарасига яқин бир шаҳарчасида қизим тенги қизалоққа кўзим тушди. Паришонхотир она кучоғида ётган беш ёшли гўдакнинг бир қўли ва бир оёғи йўқ эди. Қиз ўз тилида бир нарсалар деб инжиқлик қилар, онаизорнинг эса кўзидан дув-дув ёш оқарди. Уларни қочоқлардан бири эканлигини англадим. Юраклари эзилиб йиғлаётган она ва яримжон қизчанинг кўзида дунёнинг асл сийрати, алам ва охират сўроқлари жам бўлган эди гўё...

Қизчанинг қўлига ширинлик тутдим. Туркчада миннатдорчилик билдирган аёлни юпатар эканман, ўринсиз бўлса-да фарзанди нима сабабдан бу ҳолга тушганини билиш истагида савол бердим.

Онаизор чуқур хўрсиниб айтиб берган воқеадан ларзага тушдим.

Айтишича, қизча аввал жуда шўх бўлган.

–Қишлоғимиз вайронага айланган бўлса-да омон қолган тенгдошлари билан кечгача шаталоқ отиб чарчамасди.

Бир куни болалар ўйнаб вайрон бўлган ҳовлиларнинг бирига кириб қолишибди. Қизим омон қолган ёлғиз дарахт шохидида қизариб турган бир дона шафтолига кўзи тушгач, севиниб кетган.

Уни оламан дея дарахт остига яқинлашган замон эса, кучли портлаш юз берган. Ўша шафтолини оламан деб портламай қолган снарядни босиб олган экан...

–Ҳаётику сақлаб қолинди, -деди она фарзандининг бошини силар экан, – Аммо ҳар куни йиғлаб, Яратганга илтижо қилади:

–Аллоҳим, мен бошқа шафтоли емайман. Фақат, илтимос, оёқчам ва қўлимни қайтариб бер!

Унинг қолган гапларини эшита олмадим.

...Кўз ўнгимда Фарғонадаги боғимизда шохлари ерга эгилган дарахтлардан истанганча шафтолихўрлик қилаётган болаларим намоён бўлди. Бекзодамнинг оёқларига қадар оқиб тушгучи шира гўё менинг кўзларимдан оқаётгандай ўпкам тўлиб-тўлиб йиғлардим....

Бизда бир дона шафтоли қанча туришини билмадим, чексиз боғлари снаряд ва миналарсиз, мевалари тўкин Ватанимни жудаям соғиниб кетдим.

Муаззам Иброҳимова



## АЗОН ВАҚТИДА

Ассалому алайкум! Азон эшитган инсон шу заҳотиёқ намоз ўқиса бўладими? Яъни азон тугамасдан туриб ёки азон тугагандан кейин намоз ўқиши керакми? Агар мумкин бўлмаса ва бу ҳақида билмасдан намоз ўқиган бўлса, у ҳолда нима қилиш керак? Шу пайтгача ўқиган намозлари қабул бўлмайдими?

Одинахон Муҳаммад Юсуф:

– Ва алайкум ассалом. Суннатга кўра аввал азон эшитилади, унинг лафзлари муаззиндан кейин такрорланади, унга истижобат қилинади. Азондан кейин дуо қилинади. Иқомадан кейин намоз ўқилади. Азон айтилиши билан намоз ўқиса, намоз дуруст бўлади, чунки намоз вақти кирган бўлади. Аммо айтилган суннатлар тарк қилинган бўлади.

Валлоҳу аълам.

### НАФЛ РЎЗА

Ассалому алайкум! Нафл рўза шаввол ойининг иккинчи кунидан бошлаб тутиладими?

Одинахон Муҳаммад Юсуф:

– Ва алайкум ассалом. Шавволнинг иккинчи кунидан бошлаб нафл рўза тутиш жоиз. Валлоҳу аълам.

### АЁЛЛАР ҲАЙИТ НАМОЗИНИ ЎҚИШАДИМИ?

Ассалому алайкум! Аёллар ҳайит байрамида қандай дуолар қилиши жоиз? Ҳайит намозини уйда ўқиса бўладими?

Одинахон Муҳаммад Юсуф:

– Ва алайкум ассалом. Ҳайит кунлари учун махсус дуолар йўқ. Чин юракдан дуо қилинаверади. Ҳайит намози аёллардан соқит қилинган.

Валлоҳу аълам.

### ҚАЗО РЎЗАНИ ТУТИШДА ЭРНИНГ РУХСАТИ КЕРАКМИ?

Ассалому алайкум, устоз! Саволим шуки, агар аёли икки йил Рамазон рўзасини (фарзандли ва эмизикли бўлгани сабаб) қолдирган бўлса, бу қазо рўзани тутиб беришнинг шариятимизда ҳукми қандай бўлади? Яъни қазо қилгани учун нафл рўза каби эридан рухсат олиб тутадими? Ёки фарз рўза кабиими?

Одинахон Муҳаммад Юсуф:

– Ва алайкум ассалом. Билганимизга жавоб бериш бизнинг вазифамиз. Рамазон рўзасининг қазоси ҳам фарз рўза ҳисобланади. Қазо рўзани тутиш учун эрнинг рухсати шарт эмас.

Валлоҳу аълам

### РАМАЗОН РЎЗАСИ ҚАЗОСИ

Ҳурматли Шайх Ҳазратлари, Рамазон рўзасидан қасддан етти кунни тутмадим. Энди буларнинг қазосини неча кун ва қандай тартибда тутаман? Жавоб учун олдиндан раҳмат.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ:

– Рамазон рўзасини билиб туриб қасддан тутмаса ёки очиб юборса, каффоратига рўза тутиши вожиб бўлади. Каффорат бериш вожиб бўлган одам қул озод қилишга қодир бўлмаса, кетма-кет, орасини узмай олтмиш кун рўза тутиши лозим. Рамазон рўзасини тутиш даврида сабрсизлик қилгани сабабли, сабрли бўлишга тузукроқ одатланиб олиши учун шундай қилинади. Рамазонда қасддан рўзасини очиб юборган одам, икки ой кетма-кет рўза тутишга қодир бўлмаса, олтмиш мискинга таом беради. Ҳар бир мискинга бир мудд (1 мудд - 1843 грамм) миқдоридан таом беради. Бу эса, ўз навбатида гуноҳкор кишининг гуноҳини ювишга имкон яратиб бериш билан бирга, мискинларга яхшилик қилиш йўли ҳамдир.

# Бабагануш

(Бақлажонли таом)

Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган бабагануш ёки бабагануш – махсус усул билан пиширилади. У бақлажон икрасига ўшаб кетади. Олов ёки ўчоқда пиширилган бабагануш учун бақлажон, зираворлар, кўкатлар, зайтун ёғи, лимон каби масаллиқлар зарур бўлади.

Бабаганушнинг бақлажон икрасидан фарқи шундаки, бунда олов ёки ўчоқда сабзавотлар пишириб олинади. Пиширилган бақлажон эса ўзига хос энгил таъмга эга бўлади.

## КЕРАКЛИ МАҲСУЛОТЛАР:

Бақлажон тўрт ёки олти дона  
Лимон бир дона  
Кўкатлар  
Саримсоқ  
Зайтун ёғи  
Туз, аччиқ қалампир ва зираворлар

## ТАЙЁРЛАНИШ УСУЛИ:

Шарқликлар бу таомни алоҳида меҳр билан тайёрлашади ва тановул қилишади. Таом учун бақлажонларнинг уруғлари қаттиқ бўлмаган ва пўстлоғи тиниқ қорангли бўлганлари танлаб олинади.

Бабагануш тайёрлашда очиқ олов ёки кўмирли қўра жуда қўл келади.

Бундай шароитлар бўлмаса, бутун ҳолатдаги бақлажонлар фольга қоғозига терилиб, печда пиширилиши ҳам мумкин.

Бақлажонлар пишиб пўстлоғи ёрила бошлайди ва ўзига хос ҳид таратади. Бунда сабзавотни кесганда юмшоқ ва осон кесилишига аҳамият берилади. Бақлажонларни пўстлоғидан осон ажралиши учун уларни албатта совутиб олиш зарур.

Ҳар бир бақлажонни пўсти ва кераксиз қисмларини, керак бўлса, йирик уруғларини ҳам олиб ташланг. Бақлажонларни тўғраб ёки блендр ёрдамида пюрё ҳолига келтириб олинг.

Мазали таом учун муҳим бўлган қўшимча масаллиқлар – лимон суви ва майда тўғралган барра кўкатлардир.

Саримсоқ пиёз ҳам майда тўғралиши лозим. Одатда 1 кг бабагануш учун 2-3 дона саримсоқ доначалари етарли.

Иссиқ ўлкаларда зайтун ёғи севиб истеъмол қилинади, унинг такрорланмас ва ёқимли таъми таомга ўзгача ширин таъм беради. Сўнг таъбга қўра, туз, турли зиравор ва аччиқ қалампир солинади. Тайёр аралашмани қопқоқли идишга солиб, бир муддатга олиб қўйинг. Бу вақтда зираворларнинг мазаси ва бақлажонларнинг ажойиб таъми бирлашиб, иштаҳани очувчи таом ҳосил бўлади.

Бабагануш одатда шарқликлар учун турли хил сайлларда ажойиб гарниер вазифасини ўтайди. Унинг иштаҳани қитиқловчи ҳиди ва такрорланмас таъми сизни ҳам ҳозироқ бу таомни тайёрлаб кўриш истагини уйғотиши табиий.

Албатта бу таомни тайёрлаб кўринг. Бу тайёрлаган таомингиз яқинларингизга ҳам ҳуш ёқади деган умиддамиз!

Зиёда тайёрлади

